*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган,

**E-mail:** axborotXXIasr@yahoo.com
**web sayt:** www.21asr.uz

2012 йил 12 апрель, пайшанба
**15-(439)-сон**

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



1991 ЙИЛИ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТДА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ УЛУШИ **1 ФОИЗНИ**, 2011 ЙИЛДА ЭСА **54 ФОИЗНИ** ТАШКИЛ ЭТДИ

03 ТАДБИРКОРЛИК



2012 ЙИЛДА **960 МИНГДАН** ОРТИҚ ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛИБ, **500 МИНГ** ТАЛАБА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

07 ИСЛОҲОТ



**10 ЙИЛ**ДА ЖАҲОНДА СУВ БЕҚАРОРЛИГИ ЮЗАГА КЕЛИБ, ОБИ ҲАЁТ БОСИМ ҚУРОЛИГА АЙЛАНИШИ МУМКИН

09 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Имтиёз

## ФАРМОН ХОРИЖЛИК ҲАМКОРЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ **«ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИЛИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»**ГИ ФАРМОНИ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИГА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИНГ ЖАЛБ ҚИЛИНИШИНИ КЕСКИН ОШИРИШ БАРОБАРИДА МИНТАҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ВИЛОЯТЛАРИМИЗДА ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҲАМ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Таҳлилчиларнинг таъкидлашларича, мазкур ҳужжат хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, энг асосийси, республика минтақаларига чет эл сармоялари ва замонавий технологиялар жалб этилишини янада рағбатлантириш, улар учун қатор кафолат ҳамда имтиёзлар тизимини кенгайтиришга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

2 ►►

Парламент эшитуви



## ТОМОШАБИНЛИК ҚИММАТГА ТУШАЯПТИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ САНОАТ, ҚУРИЛИШ ВА САВДО МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ «ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ, ДАВЛАТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАЛАРИ ТОМОНИДАН ИЖРО ЭТИЛИШИ ЮЗАСИДАН ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ ЎТКАЗДИ

Маълумки, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган глобаллашув жараёнлари сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тақозо этаётир. Шу боисдан кўпчилик давлатларда модернизация ва янги технологияларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган бу жараён эса Ўзбекистонни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувида муҳим аҳамият касб этмоқда.

2 ►►



# Ўрта синф

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН «ТАШАББУС—2012» КЎРИК-ТАНЛОВИ ТАҲЛИЛЛАРИ ЎРТА ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРАЁТГАНИНИ КЎРСАТДИ

2008 йилдан буён давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида таҳлилчилар ўрта синфнинг жамиятдаги ўрни ва унинг ижтимоий масъулияти масаласига кўпроқ эътибор қарата бошлаганлари бежиз эмас. Чунки ишлаб чиқариш суръатининг кескин пасайиши, ишсизлик муаммосининг энг долзарб масалага айлангани хусусий секторга турли преференциялар бериш тизимини такомиллаштириш баробарида бу қатлам имкониятларидан янада самарали фойдаланиш лозим, деган қатъий талабни ҳам кун тартибига қўйди.

Ўзбекистонда эса айни масалага мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ бирламчи эътибор қаратила бошлангани инқироз оқибатларини кескин камайтириш имконини берди. Агар яқин тарихга мурожаат қилиб, вазиятни қиёсан таҳлил этсак, 1991 йили мамлакат ялпи ички маҳсулотида хусусий секторнинг улуши атиги 1 фоизни, 2011 йилда эса бу кўрсаткич 54 фоизни ташкил этганини кўрамиз. Бу бармоқ билан санарли давлатлар тарихида эришилган натижадир.

3 ►►

Партия ҳаёти

# O`zLiDeP лойиҳалари

## «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»ДА ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАР БЕРАДИ?

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижросида фаол иштирок этиш, партиянинг бутун куч ва имкониятларини сафарбар қилиш O`zLiDeP зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкламоқда.

Энг аввало, “ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги стратегик йўлни қўллаб-қувватлаймиз” қабилидаги умумий гаплардан воз кечиб, амалий фаолиятга ўтиш, чуқур ўйланган, шу жумладан, партиянинг аниқ мақсад ва вазифаларга қаратилган лойиҳалар ва дастурлар асосида фаол иш олиб бориш орқалигина дастур ижросини таъминлашга реал ҳисса қўшиш мумкин.

Ана шулардан келиб чиқиб, O`zLiDeP 2012 йилда “Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари”, “Мулкдор оила”, «Хавфсиз интернет» каби лойиҳаларни амалга оширишга киришди.

O`zLiDeP томонидан “Мулкдор оила” лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Унда асосан чекка ҳудудларда оилавий бизнесни йўлга қўйган ва тадбиркорликка энди қўл ураётган оилаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уй ва деҳқон хўжалигига асосланган оилавий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари билан кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали қишлоққа саноатни олиб киришга реал кўмаклашиш назарда тутилган.

Марказий банк, “Микрокредитбанк” ва бошқа тижорат банклари билан ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилган ушбу лойиҳа доирасида 1300 дан ортиқ оилавий тадбиркорлик (деҳқон хўжаликлари) субъектларига қўшимча равишда паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, иссиқхона хўжаликлари ҳамда боғдорчиликни ривожлантиришга 3 млрд. 500 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши ва 4 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга 2500 дан ортиқ оилавий тадбиркорлик субъектлари ва деҳқон хўжаликларининг ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий билим ва кўникмалари оширилади.

Бундан ташқари, мазкур лойиҳа орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чеклаётган бир қатор муаммоларни доимий равишда тизимли ўрганиш, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилаётир.

2 ►►

Муносабат

# Шонли тарих манзаралари

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯҚИН ЎТМИШИМИЗНИНГ ЭНГ МУРАККАБ, ЭНГ КЕСКИН ДАВРИ БЎЛМИШ ИСТИҚЛОЛ АРАФАСИДА ЮРТИМИЗДА СОДИР БЎЛГАН СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР, ОЗОДЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИДАГИ КУРАШЛАР ТАРИХИГА БАҒИШЛАНГАН **«ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА»** НОМЛИ КИТОБИНИ ХАЛҚИМИЗ ЖУДА КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУТИБ ОЛДИ




Айни пайтда жойларда ушбу асарни ҳар томонлама ўрганишга бағишланган тадбирлар давом этмоқда, матбуотда бу хусусда қизғин фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Таҳририятимиз яқинда O'zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгаши депутати Муқаддамхон Иззатуллаевадан мактуб олди. М.Иззатуллаева 34 йилдан буён Наманган шаҳридаги 25-мактабда ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли вазифани адо этиб келмоқда. Узоқ йиллар мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, мактаб раҳбари лавозимларида самарали фаолият олиб борган. Унинг қаламига мансуб долзарб мавзулардаги мақолалар вилоят ва республика нашрларида мунтазам чоп этилади. Тажрибали муаллима ўқувчиларга миллий ғоя ва маънавият асослари фанидан сабоқ бериш билан бирга «Глобаллашув даврида миллий-маънавий ўзликни англаш» мавзуида илмий изланишлар ҳам олиб бораётгани эътиборлидир.

Таҳририятга йўллаган мактубида «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби хусусида сўз юритар экан, муаллиф ўз мулоҳазаларини чуқур асосли, мантиқий фикрлар билан далиллашга ҳаракат қилади.

Хат билан танишар эканмиз, оддий мактаб ўқитувчиси тимсолида ўтмиш ва келажакни теран таҳлил қилиш, мамлакатимиз ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётда тийрак кўз билан қараб яшашга интилаётган юртдошларимизнинг сафи тобора кенгайиб бораётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, «Бугунги одамларимизнинг тафаккури ва дунёқараши, ҳаётга муносабатини 90-йиллар билан солиштирганда, ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш қийин эмас. Бу ўринда сўз, авваламбор, ҳаётга онгли ва мустақил фикр билан яшаш, атрофимизда рўй бераётган воқеаларга дахлдор бўлиш ҳақида кетмоқда ва эл-юртимизнинг онгу тафаккуридаги бундай ўзгариш бизнинг энг катта ютуғимиздир».

Ўйлаймизки, **қуйида эълон қилинаётган мактуб муҳтарам газетхонларимизни ҳам бефарқ қолдирмайди. Сизлардан ушбу мавзуда ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришни кутиб қоламиз.**

**Таҳририят**

**Ўзбекистоннинг мустақиллик йўли — машаққат ва шарафларга тўла зафар йўлидир. Бу йўлнинг шонли дебочаси ва буюк ижодкори бор. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли китобини, таъбир жоиз бўлса, шонли ибтидо манзаралари, деб атамоқ даркор. Шонли ибтидога асос солган буюк шахс эса ҳеч шубҳасиз, Юртбошимизнинг ўзидир.**

Мен бу китобни ўша долғали даврларнинг гувоҳи сифатида зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим. Тан олишим керакки, мустақиллик остонасида амалга оширилган беқиёс ишларнинг қудрати ва залворини китобни ўқиб чиққач янада теранроқ англадим.

Айтиш жоизки, Ислом Каримов республика Молия вазири, Давлат режа қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган пайтидаёқ Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги, мустақиллиги хусусида ўйлаган, нафақат ўйлаган, балки унинг тафаккурида бу борада ўзига хос режалар пишиб етилган экан.

3 ►►

## БУГУНГИ СОНДА:

**2004 ЙИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТЎҒРИСИДА» ВА 2005 ЙИЛДАН КУЧГА КИРГАН «ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНЛАР БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРМАЙ ҚОЛДИ. БУНГА МАЗКУР ҚОНУНЛАРДА ҲАВОЛА НОРМАЛАРНИНГ НИҲОЯТДА КЎПЛИГИ САБАБ БЎЛАЯПТИ.**

2 ►



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 10 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,** статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ 1901,18 | 1 АҚШ доллари | ▲ 1849,76 | 1 Хитой юани | ▲ 293,31 | 1 Туркия лираси | ▼ 1031,43 | 1 Япония иенаси | ▼ 227,33 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼ 2934,09 | 1 Миср фунти | ▲ 306,51 | 1 Малайзия ринггити | ▼ 602,43 | 1 Швейцария франки | ▼ 2010,61 | 1 Россия рубли | ▼ 62,79 |
| 1 Дания кронаси | ▼ 324,79 | 1 Исландия кронаси | ▲ 14,47 | 1 Польша злотийси | ▼ 580,85 | 1 ЕВРО | ▼ 2440,79 | 1 Украина гривнаси | ▲ 231,58 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ 503,69 | 1 Канада доллари | ▲ 1856,07 | 1 СДР | ▼ 2845,26 | 1 Жанубий Корея вони | ▼ 16,26 | | |

«XXI ASR»
2012 йил 12 апрель,
пайшанба,
15 (439)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz



**БУ АЙНИ ПАЙТДА ФАРМОННИНГ ВИЛОЯТЛАР** иқтисодиётини мустаҳкамлашга, ўз-ўзидан қишлоқларда саноатнинг ривожланишига, ҳудудларда эса қўшимча иш ўрни яратилиши ҳамда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг янада жадаллашувига олиб келади.

# Қўмита электрон тўлов ва электрон тижоратнинг ривожланиши тарафдори

«ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНДА ЖАМИ 18 ТА ҲАВОЛА НОРМАНИНГ МАВЖУДЛИГИ УНИ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИДА ҚАТОР МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМОҚДА

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI ASR»

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Марказий банк ҳамда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбати «Электрон тўловлар тўғрисида» ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

Тадбирда қўмита раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев Ўзбекистонда электрон тўлов ва электрон тижорат тизимини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятига замонавий ахборот ресурсларини янада кенгроқ жорий этиш, хизмат кўрсатиш ва коммунал тўловларни Интернет орқали амалга оширишнинг қулайликлари, маҳаллий маҳсулот ва хизматларни ташқи бозорда сотишда электрон тижорат инфратузилмасини шакллантиришнинг афзалликларига алоҳида эътибор қаратди.

Маълумки, истиқлол йилларида иқтисодиётга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Юртбошимизнинг 2012 йилнинг 21 мартида қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эса ушбу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, унда электрон тўлов ва электрон тижорат тизимини янада ривожлантириш, банк пластик карталари орқали товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишнинг дастурий-техник базасини яхшилаш борасида долзарб вазифалар белгилаб берилди.


Солих ЗОИР олган сурат

— Айни пайтда банк-молия муассасалари Интернет ва мобиль алоқа воситалари орқали мижозларга масофадан туриб СМС-банкинг ва Мобиль-банкинг каби интерактив хизматларни ҳам кўрсатмоқдалар, — деди Марказий банк раиси ўринбосари Шуҳрат Ҳайдаров. — Дунёнинг аксарият давлатлари қатори Ўзбекистонда ҳам банк-молия тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланилаётгани халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

— Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2011 йилда жаҳон электрон тижорат тизимида умумий қиймати 680,6 миллиард долларлик маҳсулот сотилган, — деди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Нуриддин Муротов. — 2015 йилда эса бу кўрсаткич 1,5 триллион долларни ташкил этиши кутилмоқда. Яна ҳам аниқроқ таҳлил қилсак, ўтган йили дунё бўйича сотилган жами маиший техника ва турли адабиётларнинг 14 фоизи Интернет орқали харид қилинганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳозир республикамиз аҳолисининг 8 миллиондан зиёди бевосита ушбу глобал тармоқдан фойдаланаётганини инобатга олсак, Ўзбекистонда ҳам бу борада катта салоҳият мавжудлиги намоён бўлади.

Мамлакатимизда электрон тўлов ва электрон тижоратни жадал ривожлантиришнинг дастлабки омили сифатида, аввалambor, амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш лозим. Зеро, 2004 йилда қабул қилинган «Электрон тижорат тўғрисида» ва 2005 йилда қабул қилинган «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунлар бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди. Бунга мазкур қонунларда ҳавола нормаларнинг ниҳоятда кўплиги сабаб бўлаяпти. Хусусан, 14 та моддадан иборат «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунда жами 18 та ҳавола норманинг мавжудлиги уни амалиётда қўллашда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Анжуманда, шунингдек, электрон тижорат ишларини жадаллаштириш мақсадида товарлар ва хизматларнинг электрон маълумотлар базасини яратиш, маҳаллий маҳсулотлар экспортини кўпайтириш учун электрон тижоратнинг Интернет-платформасини ва унинг халқаро тизимга интеграциясини таъминлаш, электрон тижорат соҳасида фойдали маслаҳатлар беришга ихтисослашган махсус веб-порталнинг ишга тушириш юзасидан ҳам аниқ таклифлар билдирилди.

Қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтган давра суҳбатида муҳокама қилинган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли тавсия ва хулосалари ишлаб чиқилиб, Интернет орқали коммунал тўловларни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси фаолияти мисолида тақдимот ҳам ўтказилди.

# Фармон хорижлик ҳамкорларга кенг йўл очмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

Фармонга кўра, хорижий инвесторларнинг пул шаклидаги улуши 5 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган корхоналар давлат рўйхатидан ўтгандан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган тақдирда ҳам иш бошлаган пайтдаги меъёр ва тартиблар асосида солиқ тўловларини амалга оширадиган бўлдилар.

Бу Ўзбекистонда ҳар қандай чет эллик сармоядор учун кафолатли тизим яратилганини, иқтисодиётдаги барқарорлик, изчил ўсиш суръатлари шундай кафолатлар тизимини яратишга имкон бераётганини англатади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Муҳаммаджон Турсуновнинг фикрича, Ўзбекистонда бундай имтиёз ва кафолатлар тизимининг яратилиши нафақат чет эллик сармоядорлар, балки маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг ривожланишига ҳам хизмат қилади. Шу ўринда фармонда қиймати 50 млн. АҚШ долларидан ошадиган ва чет эллик сармоядор улуши камида 50 фоизни ташкил этадиган инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган бўлди.

Бу айни пайтда фармоннинг вилоятларни ривожлантиришга қаратилганини англатади. Бу эса ўз-ўзидан қишлоқларда саноатнинг ривожланишига, ҳудудларда қўшимча иш ўрни яратилиши ҳамда ҳудудларимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг янада жадаллашувига олиб келади. Шу ўринда фармон ижроси қатъий назоратга олиниши, сармоядорлар учун яратиб берилган кафолатлар, имтиёз ва афзалликларга амал қилинаётгани изчил таҳлил этилиши, турли идоралар томонидан фармон талабларига риоя этилмаслик ҳолатлари ҳукумат томонидан назоратга олиниши фармонда қатъий белгилаб қўйилмоқда.

— Ушбу Фармон Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, айниқса, тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилаётган O`zLiDeP фракцияси зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди, — дейди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимов. — Чунки фармонда бир ойлик муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгилаб қўйилди.

Шу ўринда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари Президент фармонидан келиб чиққан ҳолда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик қилаётган электорат вакиллари ўртасида мазкур ҳужжатни кенг тарғиб этишда партия фаоллари зиммасига алоҳида масъулият юклатилишини таъкидламоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз фармони, шубҳасиз, хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқишини янада орттиради ва тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган миллий иқтисодиёимизнинг бундан-да тез суръатлар билан ўсишини таъминлаш, юртимизнинг жаҳонда тутган мавқеини янада оширишга хизмат қилади.

Парламент эшитуви

# Томошабинлик қимматга тушаяпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

— Бу, ўз навбатида, мавжуд қонунчилик базасини доимий равишда такомиллаштириш, уни халқаро меъёрлар ва андозаларга мослаштириб боришни ҳам тақозо этаяпти, — деди мажлисда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Собир Жабборов. — Жумладан, 2009 йилнинг 23 апрелидан кучга кирган "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқариш жараёнларига, иш ва хизматларга, маҳсулотларга қўйиладиган талабларни ўрнатиш ва қўллашда янгича ёндашувни белгилаб берди. Қўмитамиз томонидан 2011 йил 26 апрель куни ўтказилган «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ислоҳотлар: амалиёт, муаммолар ва истиқболлар, уларнинг ечимлари» мавзуида илмий-амалий конференцияда эса қатор тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Бугунги эшитувда амалдаги қонун ижросини таҳлил қилиш билан бирга мутасадди идораларнинг берилган тавсияларни бажаришдаги масъулиятига ҳам баҳо бердик.

Йиғилиш иштирокчиларининг фикрича, қонун ижроси юзасидан ўтган давр мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, 2009 йил май ойида Вазирлар Маҳкамасининг чора-тадбирлар режаси асосида тегишли қонуности ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Парламент эшитувида мутасадди органлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилиб, мазкур йўналишдаги ишлар таҳлил қилинди. Йиғилишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш, улар малакасини ошириш ва соҳадаги илмий-текшириш ишлари ҳолати ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳокама қилинди.

Ҳисоботларда соҳада кейинги йилларда бир қатор амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганига қарамай, 2010-2013 йиллар учун техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурининг ижроси кечикаётгани, айрим давлат ва хўжалик органлар ўз зиммаларидаги вазифаларни бажаришда томошабинлик кайфиятида эканлиги депутатлар эътиборини тортди. Хусусан, қонунга мувофиқ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарига техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари ва умумий техник регламентларни тасдиқлаш юзасидан Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига таклифлар киритиш вазифаси юклатилган бўлса-да, Дастур тасдиқлангунга қадар улар томонидан ҳеч қандай таклифлар киритилмаган.

Дастурга кўра, 2010-2011 йилларда 8 та умумий ва 3 та махсус техник регламент ишлаб чиқилиши лозим эди. Аммо 2012 йилнинг 1 мартига қадар уларнинг атиги 3 таси ишлаб чиқилди, холос. 2 та умумий техник регламент эса умуман тайёрланмаган. Булардан "Спорт жиҳозлари ва анжомларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари тўғрисида"ги умумий регламентни ишлаб чиқиш Маданият ва спорт ишлари вазирлигига, "Саноат хавфсизлиги соҳасида фаолият кўрсатадиган ташкилотлар учун саноат хавфсизлиги умумий қоидалари" «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига юклатилган бўлса-да, улар томонидан ҳеч қандай зарурий чоралар кўрилмаган. Бундай муносабат эса ислоҳотлар моҳиятини тўла англамасликдан бошқа нарса эмас.



O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, техник регламентларни тайёрлаш жараёнига маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларни кенгроқ жалб қилиш, уларнинг ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги ахборотлари ошкоралигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчига айланиб бораётган ўрта синф манфаатларини ҳимоялаш, уларга эркинлик ва преференциялар бериш давлатимиз сиёсатининг асосини ташкил этади. Юридик ва жисмоний шахсларга техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар тўғрисида тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида ахборот бериш эса уларга соҳада фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланишга кўмаклашиш ҳамда ўз фаолиятини кенгайтириш имконини беради.

Бунда норматив ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотларнинг ошкоралигини таъминлашда ваколатли органларнинг масъулиятини ошириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш зарур. Бундан ташқари, ваколатли органлар томонидан соҳадаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари, мазмуни, моҳиятини тушунтиришга қаратилган ўқув семинарларда давлат ва хўжалик органлари мутахассисларининг фаол иштирокини кенгайтириш ҳам ўз самарасини беради.

Йиғилишда қонуннинг ижро механизмларини такомиллаштириш, ушбу соҳада мувофиқлаштириш ишларини кўчайтириш, белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан таклифлар билдирилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«2012 — Мустаҳкам оила йили»

# O`zLiDeP лойиҳалари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

Ушбу мақсадда "Тадбиркорлар мулоқот форуми" лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. Мазкур форум доирасида ўтказиладиган мулоқотлар танлаб олинган 10 та долзарб масалага қаратилган бўлиб, улар вилоятларда ўтадиган тадбирларда ҳам атрофлича муҳокама қилинади.

Лойиҳа доирасида барча ҳудудларимизда қулай бизнес муҳити ва уни янада ривожлантириш юзасидан тизимли мониторинг ҳамда жамоатчилик назоратини олиб бориш, кўтарилган масалалар юзасидан депутатлик сўровлари ва назорат-таҳлил ишларини ташкил этиш, тадбиркорликка оид амалдаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мўлжалланган.

Таъкидлаш жоизки, 2011 йилда бу борада бўлиб ўтган 65 та амалий мулоқотда 9500 нафардан ортиқ O`zLiDeP электорати вакиллари, соҳанинг етакчи олим ва экспертлари ҳамда депутатлар иштирок этдилар. Улар томонидан тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан 500 га яқин амалий таклифлар билдирилди. Ушбу таклифлар умумлаштирилган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракциясига тақдим этилди.

Жорий йилда эса ушбу лойиҳани амалга ошириш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга доир 150 дан ортиқ тадбирлар орқали 20 мингга яқин иштирокчилар билан амалий таклиф ва ташаббуслар ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Ушбу соҳада аёллар ва ёшларни кичик бизнес соҳасига кенг жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасига киришилди.

Зеро, «Мустаҳкам оила йили»да аёлларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштироки ва фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом миллат генофондини асрашга кўмаклашиш, жойларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб қилиш, хотин-қизлар ўртасида тиббий саводхонликни оширишга кўмаклашиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, чекка ҳудудларда қизларни спорт билан шуғулланишга кенгроқ жалб этиш, спортчи аёл мураббийлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва улар сонини янада кенгайтириш юзасидан тарғибот-тушунтириш ишларини ҳам кучайтиришни тақозо этади. Бу вазифалар ижроси эса «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси орқали таъминланади.

Маълумки, партиямиз ўз фаолиятининг дастлабки кезлариданоқ ҳар томонлама етук ёшларни фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги иштирокини таъминлаш, ёш авлоднинг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу йўналишда ҳам қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу, ўз навбатида, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларни носоғлом таъсирлардан сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Бунда маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида соғлом турмуш тарзи талабларига мос махсус чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, шу билан бирга ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш миллий қадриятларимизга зид бўлган турли иллатларга нисбатан иммунитетни шакллантириш каби муҳим вазифаларга эътибор қаратилмоқда.

Бунда ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни зарарли таъсирларга қарши тура олишга ўргатиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга қодир авлодни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларда тараққиётнинг глобаллашув жараёнларида ҳар хил кўринишдаги ахборот хуруЖларига қарши тура оладиган иммунитетни шакллантириш, салбий веб-сайтлар орқали кириб келаётган ёт ғояларнинг олдини олишга қаратилган ишлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Лойиҳаларни тўлақонли рўёбга чиқариш ва амалий натижаларга эришиш мақсадида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP Фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари, Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, «Маҳалла» хайрия-жамоат фонди, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Деҳқон хўжаликларини ривожлантириш жамоат фонди, Суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси каби ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш назарда тутилган.

Хуллас, партия лойиҳаларининг асосий мақсади аниқ вазифаларни белгилаб олиб, тизимли чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат экан, ҳар биримиз бугунги кун талабларига мувофиқ ўз фаолиятимизни янада самарали ташкил этишимиз, юзага келаётган муаммоларни биргаликда ҳал этиш ва бунда мамлакатимиз ривожланиш талаблари ҳамда электоратимиз манфаатларига таянишимиз лозим. Бу эса партиямиз фаолиятининг сифат жиҳатидан ўсиши, дастурий вазифаларни тизимли равишда жадал уддалашга қаратилган ва барча партия тузилмалари томонидан амалга ошириладиган ишларни самарали ташкил қилишда ҳаммамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклаганини англатади.

«XXI ASR»
2012 йил 12 апрель,
пайшанба,
15 (439)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz

# Шонли тарих манзаралари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄



**Муқаддамхон ИЗЗАТУЛЛАЕВА,**
халк депутатлари Наманган шаҳар кенгаши депутати, O'zLiDeP аъзоси

Асарни ўқиган киши табиий тарзда шундай хулосага келади. Китобдан ўрин олган ҳар бир нутқ, маъруза, интервью ва мурожаатларда мана шу ҳаққоний фикр яққол бўй кўрсатиб туради.

Мисолларга мурожаат қиламиз: «Яна бир масала. Биз турли объектлар қуриш ҳақида гапирамиз, айни пайтда, мен ўйлайманки, бу масала замирида бир муаммо мавжуд. Гап шундаки, биз кадрларни олдиндан тайёрлаб бормаяпмиз. Айтиш керакки, касб-ҳунар ва техник таълимда ҳамма ишлар йўналиш нуқтаи назаридан ҳам, тармоқлар бўйича кадрлар тайёрлаш юзасидан ҳам ҳеч ўзгармасдан қолмоқда. Қишлоқда биз фақат механизаторлар тайёрлаймиз, ёшларни эртага жойларда қандай мутахассисларга эҳтиёж пайдо бўлишини ҳисобга олмасдан ўқитаверамиз».

Эътибор беринг, юқоридаги мулоҳазалар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинишидан саккиз йил муқаддам айтилган. Ва, энг муҳими, халқ, миллат тақдирига дахлдор бундай мулоҳазалар бирдан пайдо бўлмаган. Демоқчиманки, Юртбошимизнинг бугун рўёбга чиқаётган орзу-режалари, ғоя ва лойиҳалари генезиси — илдизларини аслида XX асрнинг 70-йиллари охири — 80-йилларнинг бошидан изламоқ зарур.

Зеро, Президентимизнинг давлат раҳбари сифатида халқимизни бошлаб бораётган ижтимоий-сиёсий, молиявий-иқтисодий, маънавий-маърифий йўли шу қадар мустаҳкам ва ишончлики, бу ҳол мазкур йўл тўғрисида Юртбошимизнинг бир неча ўн йиллар олдин тинимсиз мушоҳада юритгани, изланганидан далолат беради.

Шу ўринда кўнглимдан кечган бир фикрни очиқ-ойдин айтмоқчиман.

Биз ҳозир Ислом Каримов феноменини бу улкан шахс амалга оширган тарихий ишлар мисолида ўрганмоқдамиз. Албатта, бу жараён ҳам ўта муҳим ва унинг моҳиятини чуқур англашга барчамиз бурчлимиз. Айни пайтда бошқа бир муҳим масалани ҳам ўрганишимиз, тадқиқ қилишимиз шарт.

Гап бу инсон тимсолида намоён бўлган буюк давлат арбобига хос фазилатларнинг асоси бўлмиш маънавий жасоратнинг қандай шаклланганини ҳақида бормоқда. Ҳеч бир муболағасиз, Ислом Каримов феноменининг тарих саҳнасига чиқиши — фавқулодда ҳодиса. Эътироф этиш керакки, Амир Темурдек забардаст сиймодан сўнг Ўзбекистон тупроғида бундай ҳодиса кузатилмаган эди.

Ўз даврида бутун дунёни маҳлиё қилган Михаил Горбачёв Ислом Каримов шахсида мужассам топган шижоат ва қатъият қошида бежиз ҳайратга, аниқроғи таҳликага тушмаган. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг ҳар бир саҳифасида шу фикрни тасдиқловчи ёрқин мисоллар мавжуд.

Демак, такрор-такрор таъкидлайманки, бу китоб наинки юртимиздаги барча ташки-

**БИЗ ҲОЗИР ИСЛОМ КАРИМОВ ФЕНОМЕНИНИ БУ УЛКАН ШАХС АМАЛГА ОШИРГАН ТАРИХИЙ ИШЛАР МИСОЛИДА ЎРГАНМОҚДАМИЗ. АЛБАТТА, БУ ЖАРАЁН ҲАМ ЎТА МУҲИМ ВА УНИНГ МОҲИЯТИНИ ЧУҚУР АНГЛАШГА БАРЧАМИЗ БУРЧЛИМИЗ. АЙНИ ПАЙТДА БОШҚА БИР МУҲИМ МАСАЛАНИ ҲАМ ЎРГАНИШИМИЗ, ТАДҚИҚ ҚИЛИШИМИЗ ШАРТ.
ГАП БУ ИНСОН ТИМСОЛИДА НАМОЁН БЎЛГАН БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИГА ХОС ФАЗИЛАТЛАРНИНГ АСОСИ БЎЛМИШ МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТНИНГ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНГАНИ ҲАҚИДА БОРМОҚДА. ҲЕЧ БИР МУБОЛАҒАСИЗ, ИСЛОМ КАРИМОВ ФЕНОМЕНИНИНГ ТАРИХ САҲНАСИГА ЧИҚИШИ — ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА. ЭЪТИРОФ ЭТИШ КЕРАККИ, АМИР ТЕМУРДЕК ЗАБАРДАСТ СИЙМОДАН СЎНГ ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҒИДА БУНДАЙ ҲОДИСА КУЗАТИЛМАГАН ЭДИ.**

лот ва муассасаларда синчиклаб ўқиб-ўрганилиши зарур, балки унга улкан илмий тадқиқотлар объекти сифатида ҳам қаралмоғи лозим.

Яна бир истак шуки, саҳифаларида долғали даврнинг бекиёс ҳақиқатлари жо бўлган бу ноёб китоб тезлик билан Шарқ ва Ғарб тилларига таржима қилиниши мақсадга мувофиқ. Токи жаҳон афкор оммаси билиб қўйсинки, 1991 йилнинг 1 сентябри — Ўзбекистон мустақиллигининг расмий эътирофи, холос. Тарихий ҳақиқат шуки, Ўзбекистонимиз аслида 1989 йилнинг 23 июнидан эътиборан ўзини мустақил ҳис эта бошлаган.

Яна айрим мисолларга мурожаат қиламиз:

«Аҳолининг соддалиги ва ҳеч нарсани тушунмаслигига умид қиладиган замонлар ўтиб кетди. Буни қарангки, қишлоқдан келган одамларни шаҳарда ишга олмайди, лекин республикамизнинг ташқарисидан келганларни эса ишга олади»;

«Нима учун маҳаллий миллатга мансуб кишилар ўртасида муҳандис-техник ходимлар йўқ? Мен бу саволни ҳаққоний савол, деб ҳисоблайман».

Юқоридаги икки фикр 1989 йилнинг 24 июнида, яъни Ислом Каримов республика раҳбари этиб тайинланган куннинг эртасига очиқ-ойдин янграган бўлса, қуйидаги сўзлар 1990 йилнинг 24 мартида айтилган:

«Президент институтининг жорий этилиши — республикамиз учун суверенитет ва давлатчиликда принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдиради. Чунки шунчаки эмас, балки ҳақиқий давлатчилик ҳокимиятнинг бундай тузилмасини қўлга киритиш имкониятига эга»;

«Ўзбекистон ССР мустақил ва тенг ҳуқуқли республика сифатида бошқа республикалар билан сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларни ўзаро эркин ҳал қилади. Бу алоқаларни дўстлик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва тотув қўшничилик муносабатлари асосида янада мустаҳкамлаб бораверади».

Яна бир эътирофга молик жиҳат шундан иборатки, китобда Ислом Каримов шахси келажакни олдиндан кўра оладиган донишманд сиёсатчи сифатида ёрқин намоён бўлган. Масалан, жонажон Ўзбекистонимизнинг бугунги мустақил тараққиёт йўли ўша суронли йилларда, яъни 1990 йил 5 июнда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида сўзланган «Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан» деб номланган маърузада аниқ-равшан кўрсатиб ўтилган. Маърузадаги VI бўлимда ҳаётимизнинг барча томонлари, жамиятимизнинг ҳар бир соҳасидаги ўсиш суръатлари қандай йўлдан бориши чуқур илмий таҳлил ва ҳисоб-китоблар асосида 20 йил олдиндан туриб кўра олинган. Шу боис ушбу маърузани Ўзбекистон мустақиллигининг «Келажак концепцияси» деб атасак арзийди.

Ниҳоят, 1990 йилнинг 20 июнида Мустақиллик Декларацияси эълон қилинди. Тарихий аҳамияти жиҳатидан мислсиз бўлган бу ҳужжат Юртбошимизнинг республикамиз раҳбари сифатида бир йил давомида амалга оширган барча ишларининг мантиқий якуни бўлди.

Ҳали-ҳануз бу ҳужжат матнини ҳаяжон билан ўқийман. Унинг кириш қисми менга деярли ёд бўлиб кетган.

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети:

ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари,

ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи,

ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда,

Ўзбекистон халқининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда,

халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб,

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилади.»

Катта ёшли кишиларнинг ёдларида бўлса, собиқ СССР парчалангач, унинг ўрнида қандай тузилма шаклланиши борасида қизғин баҳс-мунозаралар қилинган. Бошқа сиёсатчилардан фарқли ўлароқ, Юртбошимиз собиқ иттифоқдош республикаларни бугунги мустақил, суверен, эркин ва озод давлатлар сифатида кўришни истаган. Нафақат истаган, балки бундай ёндашувни ҳар томонлама исботлаб берган. Китобдан ўрин олган қуйидаги фикр-мулоҳазалар бунинг исботидир:

«Бизнинг нуқтаи назаримиз шундан иборат эдики, биз ўз ҳудудимизда барча масалаларни тўла-тўкис ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган мутлақо эркин, мустақил давлатлар — республикалар бўлишимиз керак.»

Орадан йиллар ўтиб, даврлар силсиласи аро Юртбошимизнинг бу ҳаётбахш ғоялари бошқа халқлар ва давлат арбоблари томонидан ҳам якдиллик билан қўллаб-қувватланиб, чин маънодаги реалликка айланганини бугунги тарихий жараёнлар яққол кўрсатиб турибди.



А.МУРОДОВ олган суратлар

*Муқаддамхон Иззатуллаева ўз ўқувчилари даврасида*

«Ташаббус - 2012»



# Ўрта синф

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ,**
**Наргиза ҚАҲҲОРОВА,**
«XXI ASR»

«Ташаббус-2012» танлови қатнашчилари фаолияти билан танишган ҳар қандай киши давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам, бизнес вакилларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ўрта синфнинг мустаҳкам оёққа туриб олишида бош омилга айланганига амин бўлади. Буни 2000 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 200 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилгани, 2011 йилда бу рақам 4 трлн. сўмдан ошганида ҳам кўриш мумкин.

Тўғри, бозор муносабатлари ўзини-ўзи бошқарадиган тизим. Аммо Ўзбекистонда бу жараён айрим мамлакатлардагидек ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Аксинча давлат бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва уларнинг амалиётга татбиқ этилишида ташаббускорликни ўз зиммасига олди. Натижада иқтисодиётни эркинлаштиришга, хусусий секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи 400 дан зиёд қонунлар қабул қилинди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, 2011 йилнинг ўзидагина кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошиб, уларнинг экспортдаги улуши 16,3 фоизга етган. Бу кўрик-танловнинг туман, шаҳар, вилоят босқичларида иштирок этган 7 минг нафардан ортиқ микрофирма, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхонаси, фермер хўжаликлари раҳбарлари, ҳунармандлар ва халқ амалий санъати усталарининг хорижда ҳам ўз ўринларини топаётганларидан далолат бермоқда.

Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси ва Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Ташаббус—2012» кўрик-танлови айни пайтда фаол тадбиркор ва фермерлар, уста-ҳунармандлар ўртасида соғлом рақобатни кучайтиришга ҳам хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Мутахассисларнинг фикрича, бу йилги танловда ҳам асосан ўз фаолиятига замонавий, илғор усулларни татбиқ этаётган ишбилармонлар қатнашган. Танлов номинациялари орасида ёш тадбиркорларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг қўллаб-қувватланиши эса мамлакатда тадбиркорларнинг янги авлоди ҳам изчил шаклланаётганини кўрсатаяпти.

**АГАР ЯҚИН ТАРИХГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ, ВАЗИЯТНИ ҚИЁСАН ТАҲЛИЛ ЭТСАК, 1991 ЙИЛИ МАМЛАКАТ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИДА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ УЛУШИ АТИГИ 1 ФОИЗНИ, 2011 ЙИЛДА ЭСА БУ КЎРСАТКИЧ 54 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАНИНИ КЎРАМИЗ. БУ БАРМОҚ БИЛАН САНАРЛИ ДАВЛАТЛАР ТАРИХИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАДИР.**

"Ташаббус—2012" танловида "Энг яхши тадбиркор" йўналишида ғолиблик Жиззах шаҳридаги «Жиззах-Кўҳинур» хусусий корхонаси раҳбари Холисхон Бобоевага, "Энг яхши фермер" ғолиблиги эса Қарши туманидаги "Бахт" фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холёровга насиб этди. "Энг яхши ҳунарманд" йўналишида ғолиблик риштонлик ҳунарманд Мирзомасхар Акромовга берилди.

Шу ўринда 2011 йилда танловда иштирок этиш истагини билдирганлар сони 6400 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич яна 600 тага ортганини таъкидлаш лозим. Ғолиблар эса анъанага кўра учта асосий, 7 та қўшимча номинация бўйича аниқландилар.

— Президент соврини минглаб иштирокчилар орасида менга насиб этганидан бошим осмонга етди, — дейди O'zLiDeP фаоли, «Жиззах-Кўҳинур» хусусий корхонаси раҳбари Холисхон Бобоева. — Бу, энг аввало, биз тадбиркорларга яратиб берилган шарт-шароитлар ва имтиёзлар натижасидир. Шунинг учун ҳам билдирилган ишончни оқлаб, тадбиркорлик фаолиятимни кенгайтириш орқали саноатимиз салоҳиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Германия ва Ҳиндистондан замонавий технологик линиялар олиб келиб, ипак толасини тўлиқ қайта ишлашни йўлга қўймоқчиман. Ана шунда четга фақат тайёр маҳсулот экспорт қила бошлаймиз.

Интилганга толе ёр, дейди доно халқимиз. Холисхон Бобоева ҳам мустақиллик йилларида тадбиркорликка қўл урган минглаб юртдошларимизнинг биридир. 2007 йилда «Жиззах-Кўҳинур» хусусий корхонасини ташкил этиб, томёпқичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 2008 йилга келиб вилоятдаги мактаб, уй-жой қурилишлари учун шифер етказиб беришни ўз зиммасига олди. 2009-2011 йилларда 610 минг дона сифатли маҳсулот харидорларга жўнатилди.

2010 йилда корхона қошида пиллани қайта ишлаш цехининг ишга туширилиши 300 га яқин янги иш ўрни яратилишига омил бўлди. Мазкур цех йилига 300 тонна пиллани қайта ишлаш ва 60 тонна ипак толаси ишлаб чиқариш қувватига эга. Бундан ташқари, 25 та иш ўрнига мўлжалланган адрас ва атлас тўқиш корхонасига ҳам асос солинди.

Юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида изланиб, атрофдагиларга намуна бўлаётган ва шу йўл билан ўз зиммасидаги масъулиятни теран англаётган тадбиркорни жиззахликлар фақат ишбилармонлик фазилатлари учунгина эмас, балки одамлар оғирини енгил қиладиган, бошқалар дардини ўз дардидек қабул қилувчи оқ кўнгил инсон сифатида ҳам яхши билишади. Табиатан шижоаткор бу аёл жамоат ишларида фаол иштирок этиши билан бирга O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раисининг аёллар масаласи бўйича ўринбосари сифатида ҳам фаолият олиб бораяпти. Бугун Холисхон Бобоева атрофига жамланган аёллар сони вилоятда 3000 нафардан ошди. Уларнинг 310 нафари эса тадбиркор ва фермер. Холисхон опанинг бевосита ташаббуси билан жорий йилда вилоятда O'zLiDePнинг «Дийдор» сайёр клуби ташкил этилгани «Аёллар қаноти» фаолиятини янада жонлантирди.

— O'zLiDeP бугунги кунда тадбиркорлик билан жамият фаровонлигига интилувчи барча фуқароларни ўз атрофига бирлаштирмоқда, — дейди Холисхон опа. — Биз жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаш сари борар эканмиз, зиммамизга жуда катта масъулият юклатилганини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

«XXI ASR»
2012 йил 12 апрель,
пайшанба,
15 (439)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz



# Қонун ижроси учун ким масъул?

«ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИНИНГ ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ИЖРОСИ ЖОЙЛАРДА ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАНМОҚДА? ҚОНУН ЮЗАСИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҚОНИҚАРЛИ БАҲОЛАШ МУМКИНМИ?

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,**
«XXI ASR»

Бугун мамлакатимизнинг қай бир ҳудудида бўлмайлик, кенг кўламли ислоҳотлар натижасида шаҳару қишлоқларимиз чирой очиб, янги замонавий турар-жой бинолари, маиший ва кўнгилочар хизмат кўрсатиш иншоотлари, спорт ҳамда соғломлаштириш мажмуалари бунёд этилаётганини кўрамиз. Бу эса айни пайтда кўп қаватли турар-жойлар ҳудудида тозаликни сақлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада жадаллаштириш ҳамда аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш масаласини долзарб вазифага айлантирмоқда.

Бу борадаги ишларни самарали ташкил этишда 2006 йилда қабул қилинган «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун соҳанинг ҳуқуқий асосларини таъминлашга хизмат қилаяпти.

Хўш, бугун жойларда ана шу муҳим қонун ижроси қай даражада таъминланмоқда? Қонун юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда сиёсий партиялар фаолиятини қониқарли баҳолаш мумкинми?

Биз Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида бўлиб, ана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик. Гарчи Оҳангаронда бу соҳада изчил ишлар олиб борилаётган бўлсада, туманнинг ички ҳудудларида, айниқса, Оҳангарон шаҳрида жойлашган кўп қаватли турар-жой биноларининг аҳволи қонун талаблари даражасида эмаслигига гувоҳ бўлдик. Айни пайтда туманда 21 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бўлиб, уларнинг биттаси туман, қолганлари эса шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатаяпти.

Лекин улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар истеъмолчилар талабини тўла қондираётгани йўқ. Буни баъзи ҳудудлардаги аҳвол, иситиш ва коммуникация тизимидаги носозликларда ҳам кўриш мумкин. Айрим маҳаллий ҳокимият органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан эса вазиятни ўнглаш бўйича бирон-бир ижобий ўзгаришлар қилинмаяпти. Хўш, бу масалада нега маҳаллий кенгашдаги депутатлар томошабинлик қилаяптилар?

Бунда, энг аввало, мазкур соҳадаги вазифалар устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни ўз зиммасига олган сиёсий партиялар, айниқса, ЎзХДПнинг роли муҳим, деб ҳисобланмоқда. Чунки халқ демократларининг Сайловолди дастурида **«ЎзХДП аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг доимий мониторингини олиб бориши»** белгилаб қўйилган. Айни пайтда халқ депутатлари Оҳангарон туман кенгашида 57 нафар депутат бўлиб, уларнинг 30 нафари ёки қарийб 53 фоизини ХДП вакиллари ташкил этаётир. Аммо аксарият сайловчилар «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун талабларини бажаришни назорат қилиш ва мониторингини юритишда партия вакиллари томонидан ҳеч қандай ташаббус кўрсатилмаётганини таъкидлашаяпти. Таҳлилчилар эса халқ демократлари томонидан кейинги уч йилда мазкур масалага умуман эътибор қаратилмаганини айтмоқдалар.

Зеро, 2009 йилда «Илоқ» маҳалласида йўлга қўйилган ижобий ишлар мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун ички имкониятлар етарли эканини кўрсатди. Йил бошида ишлаб чиқилган режага кўра, маҳалла ва ширкат ҳамкорлиги ижро ва вакиллик органлари томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида муайян натижаларга эришилди. Айниқса, ҳар бир мавсумга олдиндан тайёргарлик кўриш, энг муҳими, бу жараёнда жамоатчилик назоратининг қатъий йўлга қўйилгани ана шундай ютуқлар асоси бўлмоқда.

Натижада уй-жой мулкдорлари ширкати фаолияти яхшиланиб, барча турдаги тўловларнинг 90-95 фоизга бажарилишига эришилаяпти. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш масаласи ҳам ижобий ҳал қилинмоқда. Ҳатто олтита хонадон ва «Доктор Хожи» даволаниш масканида кичик локал иситиш тизими ва иссиқ сув билан таъминлаш ишлари тажриба сифатида синаб кўрилди. Лекин нима учундир бошқа ширкат ва маҳаллаларда ана шундай ташаббуслар илгари сурилмаяпти. Бу эса сайловлар даврида мутасадди ташкилотлар, ширкатлар ва албатта ана шу соҳа ривожи учун катта ваъдалар берган сиёсий партиялар, айниқса, ЎзХДП вакиллари томонидан қатъий жамоатчилик назорати ўрнатилишини талаб этади.

Халқ депутатлари туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Шавкат Комиловнинг таъкидлашича, айни кунда масаланинг ниҳоятда долзарблиги ҳисобга олиниб, партия аъзолари мавжуд камчиликларнинг асл сабаблари ва моҳиятини ўрганишга киришдилар. Шу мақсадда O'zLiDeP депутатлик гуруҳи хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатлари фаолиятини таҳлил қилиб, туман кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топди. Мақсад — уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини яхшилашга кўмаклашиш, дебитор ва кредитор қарздорликни қисқартириш, сифатли коммунал хизматни йўлга қўйиш, атроф-муҳит ободончилигига эътибор кучайтириш орқали Оҳангаронни янада обод этишига ҳисса қўшишдан иборатдир.

— Муаммони даставвал халқ депутатлари туман кенгашидаги «Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари» комиссияси йиғилишида кўриб чиқдик, — дейди Ш.Комилов. — Бу борада «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонуннинг ижроси ва тумандаги ширкатлар фаолияти юзасидан туман ҳокими ўринбосари, Оҳангарон шаҳри ҳокими А.Эшонқуловнинг ҳисоботини ҳам эшитдик. Таҳлилларимиз соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Бу жараёнга оммавий ахборот воситалари ҳам жалб этилди. Туманнинг «Оҳангарон» газетаси ташаббуси билан бу борада депутатлар фикр-мулоҳазасига кенг ўрин ажратилиб, мавжуд муаммоларга аҳоли эътибори қаратилди. Гарчи кечикиб бўлса-да, бу ишга киришганимиз зиммамизга жуда катта масъулият юклайди. Умид қиламизки, **«уй-жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларининг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш»ни** ўз зиммасига олган ва шу кунгача бу масалага эътиборсиз бўлиб келган ЎзХДП вакиллари ҳам ташаббусимизга қўшилади ва қўллаб-қувватлайди.

**АЙНИ ПАЙТДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОҲАНГАРОН ТУМАН КЕНГАШИДА 57 НАФАР ДЕПУТАТ БЎЛИБ, УЛАРНИНГ 30 НАФАРИ ЁКИ ҚАРИЙБ 53 ФОИЗИНИ ХДП ВАКИЛЛАРИ ТАШКИЛ ЭТАЁТИР. АММО АКСАРИЯТ САЙЛОВЧИЛАР «ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИНИНГ ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШДА ПАРТИЯ ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН ҲЕЧ ҚАНДАЙ ТАШАББУС КЎРСАТИЛМАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАШАЯПТИ. ТАҲЛИЛЧИЛАР ЭСА ХАЛҚ ДЕМОКРАТЛАРИ ТОМОНИДАН КЕЙИНГИ УЧ ЙИЛДА МАЗКУР МАСАЛАГА УМУМАН ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМАГАНИНИ АЙТМОҚДАЛАР.**

— **МУАММОНИ ДАСТАВВАЛ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН** кенгашидаги «Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари» комиссияси йиғилишида кўриб чиқдик.

# Фуқаро мурожаати эътиборсиз қолдирилмайди

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА «ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ИЖРОСИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНГАНИ БОИС 2012 ЙИЛНИНГ I ЧОРАГИДА АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ 10 ФОИЗГА КАМАЙДИ, ТАКРОРИЙ АРИЗАЛАР СОНИ ЭСА 3 БАРОБАРГА ҚИСҚАРДИ

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**
«XXI ASR»

Биз мустақилликнинг илк йилларидан бошлабоқ адолатли жамият, ҳуқуқий давлат қуриш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари дадил одимлаб бораяпмиз. Нодавлат, яъни жамоатчилик бошқаруви тизимига тобора кенг йўл очилиб, фуқароларнинг ўзини бошқаришлари учун ҳуқуқий асослар яратиб берилди. Инсон шахсининг қадр-қиммати, бахт-саодати, моддий ва маънавий фаровонлиги асосларига сингдирилган фуқаролик жамият барпо этилмоқда.

Ўрни келганда ўтган давр мобайнида одамларимиз онгу шуури, дунёқараши ўзгариб, давлатимиз куч-қудратини ошириш ўз шахсий фаровонлигини таъминлаш манбаи эканини тобора теранроқ англаётганларини таъкидлаш жоиз. Қонунларнинг мукаммал ишлаши фақат ҳуқуқтарғибот идоралари ходимларига боғлиқ эмаслигини ҳам ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Қонун олдида давлат ҳам, шахс ҳам бирдай бурчлидир. Ана шу ақидага амал қилинсагина, шахс ва жамият якдиллиги юзага келади.

Гапни узоқдан бошлаганимиз бежиз эмас. Ўтган 20 йил мобайнида жамиятимизда илғор фикрли, жамоа манфаатини ўз манфаатидан юқори қўядиган фаол қатлам шаклланди. Улар кундалик ҳаётда фаол иштирок этиб, эришилаётган муваффақиятларга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар жойларда айрим маҳаллий раҳбарлар, соҳа ва тизимларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларга ҳам бефарқ эмаслар. Шу боис жойлардаги мавжуд ҳолатларга гоҳ оғзаки, гоҳ ёзма равишда ўз муносабатларини билдириб, турли даражадаги идора ва ташкилотларга мурожаат этмоқдалар. Бунга 2012 йилнинг биринчи чорагида Фарғона вилоят ҳокимлигига келиб тушган мурожаатлар ва улар таҳлили ҳам мисол бўлиши мумкин. Уларнинг бир қисми таклиф ва мулоҳазалардан иборат бўлса, қолгани жойлардаги ҳаётий муаммоларни ҳал этишга оид аризалар, шунингдек, ҳокимлик томонидан ташкил этилган «Ишонч телефонлари» орқали билдирилган мулоҳазалардир.

Айни пайтда биз ушбу мурожаатларнинг мазмун-моҳияти эмас, балки вилоят ҳокимлиги ҳамда мутасадди идораларнинг уларга қандай муносабат билдираётганликларига тўхталмоқчимиз.

Таҳририятдаги маълумотларга кўра, ўтган уч ойда вилоят ҳокимлигига жами 570 та мурожаат келиб тушган. Уларни тезкор ҳал этиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳлар ҳар бир мурожаатни жойларга чиқиб ўрганаётгани ўз самарасини бераяпти. Энг муҳими, мурожаат мазмунидан келиб чиқиб, гуруҳларга соҳа мутахассислари жалб этилмоқда.

Натижада жорий йилнинг дастлабки икки ойида «Ишонч телефони»га келиб тушган 528 та мурожаатдан 381 таси ижобий ҳал этилди. Яна бир ибратли жиҳат: далиллар тасдиқланган тақдирда айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилаётгани «Ишонч телефони» ҳақиқатан ҳам фуқаролар ишончини оқлашга хизмат қилаётганини кўрсатиб турибди.

— 2011 йили вилоят ҳокимлигида 131 та такрорий мурожаат рўйхатга олинганидан сўнг масалага янада жиддий муносабат билдириш эҳтиёжи туғилди, — дейди вилоят ҳокимлигининг масъул ходими Маърифат Ахунжонова. — Масала атрофлича ўрганилганидан сўнг туман, шаҳар кесимида таҳлил қилиб, сабабларини аниқладик. Ушбу жараёнда 32 та ариза кечикиб текширилгани маълум бўлди. Шундан сўнг, бундай ҳолатларнинг такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида фуқаролар мурожаатларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда назорат қилиш тизимини йўлга қўйдик. Ҳар бир муддати кечикаётган ариза юзасидан ижрочиларга электрон тартибда «огоҳлантириш хатлари» юборилиши уларнинг белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини таъминлашга хизмат қила бошлади. Натижада йилнинг биринчи чорагида жами мурожаатларнинг фақат 11 тасигина ўз вақтида ижро этилмади, холос.

Бу — ҳақиқатан ҳам яхши кўрсаткич. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижросига бағишлаб туман ва шаҳарларда очиқ мулоқотлар ўтказишнинг йўлга қўйилгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Уларга туман ва шаҳар ҳокимликларининг масъул ходимлари, барча соҳалар раҳбарлари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари жалб этилгани қисқа муддатларда амалий натижаларга эришиш имкониятини яратди. Масалан, 2011 йилда фуқаролар томонидан билдирилган жўяли таклифлар жамланиб, улардан 2012 йил манзилли дастурларни тайёрлашда фойдаланилди. Натижада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фуқаролар мурожаатларининг 65 тага камайишига эришилди. Такрорий аризалар сони эса 3 баробарга қисқарди.

Ўрни келганда 570 та ариза, шикоят ва таклифнинг 317 таси вилоят ҳокимлиги, 127 таси ҳудудий бошқармалар, қолгани туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан ўрганиб чиқилиб, 55 фоизи назоратга олинганини таъкидлаш жоиз. 117 та мурожаат эса ижобий ҳал этилди. 180 тасига қонуний тушунтиришлар берилди. 20 та мурожаатга асоссиз эканлиги туфайли рад жавоблари берилди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан аҳоли мурожаатларига жиддий муносабат билдирилаётганлиги маҳаллий бошқарув органлари, шу жумладан, туман ва шаҳар ҳокимликларининг ушбу йўналишда қай даражада ишлаётганликларини аниқлаш ҳамда тегишли чора-тадбирлар белгилаш учун қулай имконият яратаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Натижада бир қатор туман ва шаҳар ҳокимликлари фаолиятида жиддий ўзгаришлар ясашга эришилди. Айримларига нисбатан қатъий чоралар белгиланди. Энг муҳими, мурожаатларга жиддий эътибор туфайли аҳолини ўйлантираётган масалалар ижобий ҳал этилди. Фуқароларнинг давлат бошқаруви идораларига бўлган ишончи янада ортди. Бундан ҳам муҳими, одамларда жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар, жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси янада кучайди. Уларда қонуний ҳуқуқларидан эмин-эркин фойдалана олиш ишончининг ортиб бораётгани эса жамиятимиз тараққиёти ва келажагимиз фаровонлигига хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

**МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, ЎТГАН УЧ ОЙДА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИГА ЖАМИ 570 ТА МУРОЖААТ КЕЛИБ ТУШГАН. УЛАРНИ ТЕЗКОР ҲАЛ ЭТИШ МАҚСАДИДА ТУЗИЛГАН ИШЧИ ГУРУҲЛАР ҲАР БИР МУРОЖААТНИ ЖОЙЛАРГА ЧИҚИБ ЎРГАНАЁТГАНИ НАТИЖАСИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ИККИ ОЙИДА «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»ГА КЕЛИБ ТУШГАН 528 ТА МУРОЖААТДАН 381 ТАСИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ. ЯНА БИР ИБРАТЛИ ЖИҲАТ: ДАЛИЛЛАР ТАСДИҚЛАНГАН ТАҚДИРДА АЙБДОРЛАРГА НИСБАТАН ҚОНУНИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛАЁТГАНИ «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ФУҚАРОЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАНИНИ КЎРСАТИБ ТУРИБДИ.**

Ёшлар қаноти

# Расмиятчиликнинг даври ўтди

O'ZLIDEP НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЛИМИНИНГ ЎЗ ЎРНИ ВА САЛОҲИЯТИ БОР. ШУНДАЙ БЎЛИШИ ҲАМ ТАБИИЙ. ЧУНКИ ВИЛОЯТДАГИ ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ 60,7 ФОИЗИНИ 35 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ



**Шуҳрат РАҲИМОВ,**
«XXI ASR»

Бўлимнинг асосий вазифаси O'zLiDeP дастурий ғояларидан келиб чиқиб, тенгдошларимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, Ватанга муҳаббат, азалий қадриятларимизга садоқат туйғуларини сингдириш, сиёсий ва ҳуқуқий онгини оширишга йўналтирилгандир. Шу мақсадда турли мавзуларда давра суҳбатлари, семинар-тренинг, очиқ мулоқот ҳамда конференциялар ўтказаяпмиз. "Сенинг тенгдошинг", "Ёшлар ва қонун", "Биз — озод ва мустақил юрт фарзандларимиз", "Ўзбекистон ёшлари – келажагимиз эгалари" каби тадбирлар шулар жумласидандир.

"Ёшлар терроризм ва гиёҳвандликка қарши", "Чекиш — умр заволи", "Гиёҳвандлик — аср вабоси", "Соғ танда — соғлом ақл" сингари тадбирлар эса ёшлар орасида турли зарарли иллатларнинг тарқалишига йўл қўймасликка хизмат қилмоқда. Турли мавзуларда ташкил этилаётган фестиваллар, спорт мусобақалари ҳам навоийлик йигит-қизларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига қаратилгандир.

"Ёшлар қаноти" ёшларнинг партияда фаоллигини ошириш учун ҳам тегишли дастурларига эга. Хусусан, ҳамкорлар билан биргаликда "Тадбиркорлар мулоқот форуми", "Диплом билан — бизнесга" лойиҳалари амалга татбиқ этиб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёш партия фаолларига жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳиятини тушунтириш, улар билан ўзаро фикр алмашиш, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг қанчалик аҳамиятли экани, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, «Маҳалла» жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётгани эса улар таъсирини янада кенгайтирмоқда.

— Ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш масаласи ўзаро ҳамкорлигимизнинг муҳим бўғинларидан бирига айланган, — дейди Шавкат Раҳматов. — Айни пайтда вилоятда 4 та академик лицей ва 47 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Уларда 55468 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Жорий йилда битирадиган талабалар саноат қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари, таълим ва тиббиёт йўналишидаги масалаларга бириктириб қўйилган.

Бу билан фаолиятимиз фақат муваффақиятлардангина иборат, дейиш фикридан йироқман. Айрим масалаларда, жумладан, ошкора мулоқотлар чоғида ёшлар томонидан билдирилаётган айрим фикр-мулоҳазалар, таклифлар эътибордан четда қолиб кетаяпти. Иш тажрибамизда кўпроқ йўналтириш ва рағбатлантириш устувор бўлиб қолмоқда.

Шу боис бугунги ёшларни кўпроқ нималар қизиқтираётгани устида турли сўровлар, тадқиқотлар ўтказиш ва улар натижаларидан келиб чиқиб, турли дастур ҳамда режалар тузиб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**O`zLiDeP Мирзачўл туман кенгаши томонидан ўтказилган «Миллий ўзликни англаш ва ёшларни огоҳликка даъват этиш» мавзуидаги навбатдаги семинар Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, ёшларни огоҳликка даъват этиш орқали ҳар хил таҳдидларнинг олдини олишга бағишланди.**

**Наманган шаҳридаги «Дамбоғ пойабзали» кичик корхонаси қошидаги БПТда «Аҳолини тадбиркорликка жалб этиш – давр талаби» деб номланган тадбир ўтказилди. Унда корхона тажрибаси ва имкониятларидан фойдаланган ҳолда бошқа ҳудудларда ҳам миллий ҳунармандчилик ҳамда касаначиликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.**

**«Агробанк» ОАТБ Тўйтепа филиали қошидаги бошланғич ташкилотнинг навбатдаги йиғилишида 2012 йилнинг I чорагида Ўртачирчиқ туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Йиғилишда аҳолига, хусусан, ёш ишбилармонларга таклиф этилаётган имтиёзли кредитлар ҳажмини янада ошириш зарур, деган қарорга келинди.**



## Пойтахт ўрнак бўлиши шарт

O'ZLIDEP ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СИЁСИЙ КЕНГАШНИНГ IV МАЖЛИСИДА БЕЛГИЛАБ ОЛИНГАН ВАЗИФАЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШГА КИРИШДИ



**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**
«XXI ASR»

Бунда асосий эътибор партия аъзоларининг ғоявий-сиёсий етуклиги ва уларнинг партиявий талабларга қай даражада жавоб бера олишларига қаратилмоқда.

Учтепа туманидаги «Боғистон нон» МЧЖда фаолият олиб бораётган ишчи-ходимларнинг 30 нафарини ўз атрофига жамлаган БПТ ҳам партия аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мазкур корхонада яратилган қулай муҳит, ўрнатилган партиявий интизом ишлаб чиқаришга ҳам ижобий таъсир кўрсатаётир. Биргина ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 6 млрд. 285 млн. сўмлик нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

— Ишга кирганимда фақат яхши меҳнат қилиб, корхона ва жамиятда ўз ўрнимни топишни орзу қилгандим, — дейди ташкилот фаолларидан бири Моҳир Туробов. — O'zLiDePга аъзо бўлгач, дунёқарашим ҳам ўзгарди. Энди мен ўзимни улкан мақсадларни кўзлаган партиямиз дастурий ғоялари ижроси учун масъул, деб ҳисоблай бошладим.

«Боғистон нон» МЧЖ раҳбариятининг тадбиркорлиги туфайли кейинги йилларда корхонада модернизация ишлари олиб борилди. Айни пайтда бу ерда 2 та печли, ички қуввати бир кунда 2 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологиялардан фойдаланилмоқда. Янги технологиялар эса ўз навбатида вақт, хом ашё, энергия ва ишчи кучи ресурсларини тежаш баробарида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

БПТ фаолларининг саъй-ҳаракати билан партиявий тадбирларга биринчи даражали аҳамият қаратилаяпти. Ташкилот аъзоларининг аҳоли ўртасида партия ғояларини тарғиб этиш, ўз сафларига янги аъзоларни жалб этиш масалалари ҳамиша кун тартибидадир.

6 ►►

## «Аёллар қаноти»

**САМАРҚАНД**

«Аёллар қаноти»нинг хотин-қизлар манфаатини ҳимоялаш, ҳуқуқий маданиятини оширишга йўналтирилган навбатдаги тадбири Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида бўлиб ўтди. Унда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган янги қонун ва нормалар атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда O`zLiDeP Жомбой туман кенгаши фаоллари туман Савдо-саноат палатаси, Ахборот-маслаҳат маркази, Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари иштирок этди.

**НАМАНГАН**

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги «Чусткўприк» маҳалласида ташкил этилган «Оила — жамият пойдевори» мавзуидаги давра суҳбатида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир якунида маҳалла фуқаролар йиғини қошида O`zLiDeP бошланғич ташкилоти очилди. «Чусткўприк» маҳалласидаги фаол хотин-қизларнинг 10 нафари партия аъзолигига қабул қилинди.

**СИРДАРЁ**

Фақат соғлом аёлгина баркамол авлодни тарбиялашга қодир. Шу маънода хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ташкил этилган «Саломатлик» спартакиадаси айнан ана шу мақсадга хизмат қилди. Спортнинг енгил атлетика, шашка, арқон тортиш, баскетбол турлари бўйича куч синашган жамоалар орасида ғолиблар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

*Наргиза ҚАҲҲОРОВА тайёрлади.*

## «Армуғон»да ҳаёт қайнамоқда

НАРПАЙ ТУМАНИДАГИ 20 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ЎЗ АТРОФИГА 700 НАФАРДАН ОРТИҚ ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИ ЖАМЛАГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. «АРМУҒОН» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БПТНИНГ НАВБАТДАГИ ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШИДА 2011 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI ASR»

Корхонада БПТ ташкил этилганига кўп бўлмаса-да, тарафдорлар сафи тобора ортиб бормоқда. Бугунга келиб уларнинг сони 30 нафарга етди.

— «Биргаликда биз кучмиз!» шиори бизнинг фаолиятимизда ҳам ўз аксини топмоқда, — дейди БПТ етакчиси Марди Тўхтаев. — Эришилаётган ютуқларда 30 нафар сафдошимизнинг салмоқли ҳиссаси бор, албатта. Корхонамиз иссиқхона хўжалигига ихтисослашган бўлиб, асосан мева-сабзавот етиштирилади. Ишчи-хизматчилар 6 гектар ерда деҳқончилик қилиб, йил давомида лимон, эртапишар помидор, бодринг ва турли хил кўкатлар тайёрлаб, элюрт дастурхонига тортиқ этаяптилар.

Ўтган йили партия фаоллари корхона раҳбари, халқ депутатлари Самарқанд вилоят ҳамда Нарпай туман кенгашлари депутати Толиб Абдураҳмонов бошчилигида яна бир хайрли ишга қўл урдилар. «Қадим» қишлоғида иссиқхона маҳсулотлари билан савдо қиладиган янги дўкон фойдаланишга топширилди. Қолаверса, маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган замонавий сартарошхонанинг ишга туширилиши ҳам айни муддао бўлди. Бу борада партия фаолларидан Исроил Алимов, Фотима Қурбонова, Бахтиёр Тўраев ва бошқаларнинг салмоқли ҳиссаси бор, албатта.

Кези келганда айтиш жоизки, корхона тумандаги 10-умумтаълим мактабини оталиққа олган. Ҳар йили таъмирлаш ишларида яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Маҳалла аҳолисидан тушган таклифлар асосида замонавий тўйхона қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Айни кунда «Армуғон»да ҳаёт қайнаяпти. Деҳқончилик билан бирга 1000 бош паррандага мўлжалланган янги бино қурилиши давом эттирилмоқда. Партия аъзолари барча соҳада фаол, ташаббускор. Улар жорий йилда катта мақсадларни кўзлаб, ғоявий-сиёсий ишларни тобора кучайтиришаяпти. Бу борада, шубҳасиз, маслакдошлар ўртасидаги қатъият ва якдиллик жуда қўл келаётир.

Семинар

### КИМ ЎЗ ВАКОЛАТИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛАЯПТИ?

**Жиззах шаҳар ҳокимлигида O`zLiDeP вилоят кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ҳимоя қилиш" мавзуида семинар ўтказди. Мутахассисларнинг фикрича, айни пайтда Жиззах шаҳрида жами 2429 та кичик бизнес субъекти, 35 та фермер хўжалиги бўлиб, улар томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 500 та янги иш ўрни яратилди.**

**Семинарда Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини янада ошириш, мулкдорлар манфаатини ҳимоялаш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси алоҳида таъкидланди.**

**Аммо шунга қарамай, тадбиркор ва фермерлар фаолиятида кўзга ташланаётган муаммолар, жумладан, банк хизматидан фойдаланишдаги тушунмовчиликлар, айрим назорат органлари вакиллари ўз ваколатларини суиистеъмол қилаётганлари каби ҳолатлар ва уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.**

## Бош мезон — ташаббус ва фаоллик

БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ КОГОН ШАҲРИДА 292 НАФАР ПАРТИЯ АЪЗОСИНИ БИРЛАШТИРГАН 12 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА

Миллий банкнинг шаҳар филиалида иш олиб бораётган БПТга Зуҳра Рамазонова етакчилик қилади. Бу ерда партиявий бурчга тўла масъулият билан ёндашилмоқда. Маслакдошларнинг 17 нафари олий, 25 нафари ўрта махсус маълумотли эканлиги партиявий-сиёсий, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда қўл келаяпти. O'zLiDePнинг дастурий ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Жойларда ўтказилаётган давра суҳбатлари, юзма-юз мулоқотлар давомида давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, партия электорати, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича тушунтириш берилмоқда.

Хусусан, Когон педагогика ҳамда Саноат-транспорт коллежларида ташкил этилган «Ёшлар — давлатимиз таянчи» мавзуидаги давра суҳбати барчада катта таассурот қолдирди.

6 ►►



## Ютуқлар ўз-ўзидан келмайди

МАЪЛУМКИ, БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ПАРТИЯНИ ОММА БИЛАН БОҒЛАЙДИГАН, УНИНГ ҒОЯВИЙ МАҚСАДЛАРИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА БОШ-ҚОШ БЎЛАДИГАН МУҲИМ БЎҒИНДИР. УЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАМУНАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОРҚАЛИГИНА КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ МУМКИН

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI ASR»

Айни пайтда Қашқадарё вилоятида O'zLiDePнинг 11655 нафар аъзоси бўлиб, улар 701 та бошланғич ташкилот атрофида иш олиб бормоқдалар. БПТлар фаолиятини такомиллаштириш, партия аъзоларининг сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилаяпти. Вилоят кенгаши аъзолари, депутатлар жойларда бўлишиб, партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда яқиндан ёрдамлашмоқдалар.

Жорий йилнинг уч ойи мобайнида 358 та бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиб, уларда 3858 нафар партия аъзоси қатнашди. 48 нафар БПТ раиси янгитдан, 310 нафари эса қайта сайланди. O'zLiDeP Уставига кўра, вилоятдаги қатор йирик корхоналарда БПТ кенгашлари ташкил этилган. "Шўртангазкимё" мажмуаси, "Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонаси, Талимаржон ИЭС, Муборак газни қайта ишлаш заводи ана шулар жумласидандир. Қуйи бўғин етакчилари, партия аъзоларининг билим ва малакасини ошириш учун вилоят кенгаши ҳузуридаги «Сиёсий таълим маркази» томонидан долзарб мавзуларда семинар машғулотлари ташкил этилиб, улар юқори савияда ўтказилаяпти.

Ғузор тумани ҳудудида жойлашган «Шўртангазкимё» мажмуасини олайлик. Мажмуа қошидаги бошланғич партия ташкилоти (раиси Шуҳрат Уватов) ғоявий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда ўрнак бўлмоқда. Ўз сафларида мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган ушбу ташкилотда катта тажриба тўпланган, десак асло хато қилмаймиз. Туманда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, ишсизликни камайтириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда фаолларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Улар турли оммавий-сиёсий тадбирларда қатнашиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришади.

6 ►►


XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетаси
2012 ЙИЛ 7 ОЙИГА
БПТлар учун имтиёзли
ОБУНА
уюштирилаётганини маълум қилади.
Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80




«XXI ASR»
2012 йил 12 апрель,
пайшанба,
15 (439)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz

**БУНДАЙ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ФАҚАТ судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш имконини беради.**

# Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ислоҳотлар талабидир

МАЪЛУМКИ, ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРЛАРИДАНОҚ ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА БИРЛАМЧИ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАНИ, СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛГАНИ БУ СОҲАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ВА ТАДРИЖИЙ АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ

**Содиқ БЕРДИАЛИЕВ,**
Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Бу борада, энг аввало, жаҳон тажрибаларини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда биринчи марта Конституциявий суд таъсис этилганини таъкидлаш жоиз. Иккинчидан, туман, шаҳар ва вилоят судлари судьяларининг ўз лавозимларига бевосита давлат раҳбари томонидан тайинланиши, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг эса Президент тавсиясига кўра Олий Мажлис Сенати томонидан сайланиши Ўзбекистонда энг демократик тамойилларга амал қилинаётганидан далолатдир. Учинчидан, илгари жиноят ишлари ҳам, фуқаролик ишлари ҳам бир тоифадаги судлар томонидан кўрилиши туфайли турли ноаниқликлар ва хатоликларни келтириб чиқарган бўлса, судларнинг ихтисослашуви бунга бутунлай барҳам берди. Тўртинчидан, хўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган хўжалик судлари тизими яратилиб, суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш институтлари жорий этилди.

Мазкур жараёнда ўндан ортиқ кодекс, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида", "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида", "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида", "Адвокатура тўғрисида", "Адвокатлар фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлар ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ-манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, суд тизимини демократлаштиришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилиндики, бу истиқлол йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқи ва манфаатлари йўлидаги муҳим қадамлар сифатида бежиз баҳоланмаяпти.

Шу ўринда янги таҳрирда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни суд тизимини тубдан ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлганини эътироф этиш керак. Мазкур қонунга мувофиқ судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, улар ваколатини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимнома киритиш Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ихтиёрига берилди.

2001 йилнинг 29 августида қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунга кўра, жиноий таъқиб этиш ва жиноят ишларини судда кўришнинг асослари, жиноятларнинг таснифи тубдан ўзгариб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифаси 18,7 фоиздан 42,8 фоизга етказилди, 12 турдаги жиноятлар эса оғир тоифадан унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, 7 турдаги жиноятлар ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Шубҳасиз, бундай ўзгаришлар Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамлаганини хорижлик ҳамкасбларимиз ҳам алоҳида эътироф этмоқдалар. Шу ўринда қўшимча жазо тури сифатида мол-мулкни мусодара қилиш нормаси чиқариб ташланганини, бу эса мулкдорларга нисбатан инсоний муносабатда бўлишнинг ёрқин ифодаси бўлганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Биринчи марта жиноят ишларини судда кўриш амалиётига "Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш" институти киритилиб, бундай чора ўз-ўзидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг 26 тури бўйича қўлланилиши мумкинлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда 2005 йил 8 августда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонларига биноан амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани натижасида мамлакатда ўлим жазоси бекор қилинди. Бундай ислоҳот Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқи инсоннинг ажралмас узвий ҳуқуқи тўғрисидаги конституциявий норманинг амал қилишини таъминлашдек олий мақсадни ўз олдига қўяди.

Қонунда умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси сифатида белгиланиши, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятини содир этганлик учунгина тайинланиши мумкинлиги, у аёл кишига, 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан, шунингдек, тамом бўлмаган жиноятлар учун тайинланиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилганлиги бу жазо чорасини қўллаш имкониятларини кескин чегаралади. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат бошқа жазо чорасини қўллаш имкони бўлмаган ҳоллардагина ва фақат юқорида тилга олинган икки жиноят учунгина тайинланиши белгилаб қўйилди.

Шу ўринда умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахснинг тайинланган жазо муддатининг маълум бир қисмини ҳақиқатдан ўтаб бўлганидан кейин авф этиш тўғрисидаги илтимоснома бериш ҳуқуқи назарда тутилганини ҳам таъкидлаш лозим. Бу жазо қонунчилигимиздан ўрин олган инсонпарварлик тамойилларига асосланган норма бўлиб, кўрсатилган жазо чорасига маҳкум этилган шахсни тузалиш йўлига ўтишга, белгиланган тартибга риоя қилиш, меҳнат ва ўқишга, виждонан муносабатда бўлишга ҳамда тарбиявий тадбирларда фаол иштирок этишга ундайди.

2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилгани, жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритилган ўзгартишларга мувофиқ тергов ва шахсни қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилганини ҳам энг муҳим ўзгаришлар сифатида тилга олиш мумкин. Чунки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини суд тартибида қўллаш суд мажлисида тарафларнинг тортишуви ва тенглиги принципларига мувофиқ амалга оширилиб, қамоққа олинаётган фуқаронинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқаради. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қамоқда сақлаш муддатини узайтириш асослари ҳамда процессуал тартиби қонунда қатъий белгилаб қўйилгани эса бу жараёнда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада мустаҳкамлайди.

Агар Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ эътибор қаратсак, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришнинг бугунги куннинг устувор вазифаларига, хусусан, судга қадар иш юритув босқичида қўлланиладиган лавозимдан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибини жорий этиш лозимлигига алоҳида эътибор берилганини кўрамиз. Чунки бундай процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Ҳабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш имконини беради. Бундай ўзгартишнинг муҳим жиҳати шундаки, у фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз экани, уларни суд қарорисиз озодликдан маҳрум этиш ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги тўғрисидаги қоиданинг амалдаги инъикосини таъминлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг зарурати шундан иборатки, фуқаролик жамиятини ривожлантира бориб инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг кафолати сифатида суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, унинг нуфузини ошириш ва мустаҳкамлаш, пировард натижада фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдан иборатдир.

---

Ишлаб чиқариш

## БИЗГА СИФАТ МУҲИМРОҚ

**Самарқанддаги «Film Plastik» МЧЖ жамоасининг шиори ана шундай. Ҳақиқатан ҳам маҳсулот сифатли бўлса, уни харидорнинг ўзи қидириб топади. Умид Қурбонов етакчилигидаги корхонада ишлаб чиқарилаётган полиэтилен плёнкалар ҳамда пластмасса қувурлар сифатли ва хилма-хиллиги боис тез орада истеъмолчи эътиборига тушди.**

**— Ўтган йили 60-70 тонна полиэтилен плёнка, 20-25 тонна қувур ишлаб чиқардик, — дейди Умид Қурбонов. — Маҳсулотларимиз миқдори йилдан-йилга ошиб бораяпти. Лекин энг муҳими бу эмас. Асосийси — сифат. Шу боис вилоятдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар, шунингдек, «Агромир» қўшма корхонаси, «Сино» ОАЖ ва бошқа йирик саноат корхоналари билан ҳамкорликда фаолият юритаяпмиз.**

**Ҳа, икки йил муқаддам уч нафар ишчи билан фаолият бошлаган тадбиркор бугун соҳа сир-асрорларини пухта эгаллаган 10 нафарлик жамоани бошқараяпти.**

## ЯНГИ ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

**Қўнғирот туманидаги "Наврўз" овул фуқаролар йиғини ҳудудида сутни қайта ишлайдиган цех ишга туширилди. Натижада ёшлар учун янги иш ўринлари яратилиб, аҳолига сифатли сут маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Марат Арикбоев раҳбарлик қилаётган "Тўртқара — 80" фермер хўжалигида эллик бошга яқин қорамол боқилмоқда.**

**— Янги цехимизга бир кеча-кундузда уч тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга замонавий технология ўрнатдик, — дейди Марат ака. — Иш унуми ва маҳсулот сифати тобора ортмоқда. Энди цехимизда тумандаги чорвачилик билан шуғулланувчи ўттиздан зиёд фермер хўжаликларида етиштирилаётган сутни ҳам қайта ишлашни йўлга қўймоқчимиз. Чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган мазкур фермер хўжалигида келгусида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех очиш ҳам мўлжалланмоқда.**

(ЎзА)

---

Депутатлик гуруҳларида

# Қўқонда бандлик масаласида муаммо йўқ. Фақат...

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚЎҚОН ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ O'ZLIDEP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ 2011 ЙИЛ 5 ДЕКАБРДАГИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН «2012 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ»ДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ УШБУ ШАҲАРДАГИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Мўйдинжон СОБИТОВ**

Депутатлар халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши сессияси қарори билан тасдиқланган «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш учун уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга доир O'zLiDeP вилоят кенгашининг Ҳаракат дастури» бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан мутасадди идоралар раҳбарларининг ҳисоботини эшитдилар.

— O'zLiDeP Ҳаракат дастури асосида Қўқон шаҳрида тегишли идоралар билан ҳамкорликда 2012 йилнинг ўтган даврида ёшларнинг ўқув ва амалиёт ўтказиши, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиши учун депутатлик ва жамоатчилик назорати изчил йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим, — деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, халқ депутатлари Қўқон шаҳар кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Аббосхон Аҳмедов. – Энг муҳими, бу борадаги ишлар тизимли асосида амалга оширилмоқда ва партия фаоллари томонидан доимий равишда таҳлил қилинаяпти.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида сўзга чиққан Қўқон шаҳар ҳокими Акромжон Абдуллаев аҳоли бандлиги масаласига тўхталар экан, янги иш ўринларини яратиш бўйича шаҳарда катта салоҳият мавжудлигини таъкидлади. Унинг фикрича, агар ушбу масалада депутатлар назорати янада кучайтирилса, нафақат Қўқон шаҳри, балки қўшни туманлар аҳолисини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш мумкин. Чунки айни пайтда Қўқон шаҳридаги корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар ҳамда кичик бизнес субъектлари томонидан яратилаётган кўплаб иш ўринлари ана шундай имконият борлигини кўрсатаяпти.

Бундан ташқари, ҳудудда ҳар бир касб-ҳунар колллежининг 50 нафар битирувчисини тадбиркорликка жалб этиш, уларга ўз ишини бошлаш учун имтиёзли кредитлар олиш билан боғлиқ гаров таъминотини ҳал этиш юзасидан ҳам амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Зеро, бундай ишлар "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг 7 бандида кўрсатилган вазифалар билан уйғун ҳолда олиб борилмоқда.

Қўқон шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Н.Ҳамидовнинг таъкидлашича, жорий йилнинг биринчи чорагида шаҳарда 2186 та иш ўрни яратилиши белгиланган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 2217 тани ташкил этган. Бу янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, уй меҳнатининг барча шаклларини, ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига яратилди.

— «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига кўра, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари ва ижрочи ташкилотлар томонидан 96 млрд. 520 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратиш назарда тутилган, — деди Қўқон шаҳар ҳокимлигининг иқтисодиёт бўлими бошлиғи С.Маматов. — Битирувчиларнинг шартнома асосида ишга жойлашишидан ташқари O'zLiDeP Ҳаракат дастурига асосан кўплаб ёшларга микрокредитлар бериш орқали уларнинг тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилади.

Йиғилишда, шунингдек, янги ташкил этилаётган иш ўринларига касб-ҳунар коллежи битирувчиларини жалб этиш борасида депутатлик назоратини янада кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу масалада ҳар бир депутат фаол ва ташаббускор бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида бир ойлик муддатда бу масалани халқ депутатлари Қўқон шаҳар кенгашининг «Ижтимоий масалалар бўйича доимий комиссияси» муҳокамасига тақдим этишга келишиб олинди.

---

Аёллар қаноти

# Яхшиликни улашсанг яхши

ЮРТИМИЗДА АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МАВҚЕИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛГАН

**Ўз мухбиримиз**

Шу туфайли O`zLiDeP электорати орасида тадбиркор ва ишбилармон аёллар сафи кенгайиб бормоқда. Юқоричирчиқлик Гулнорахон Ғаниева улардан биридир. Унинг саъй-ҳаракати билан «Янгиобод» шоҳбекатидаги қаровсиз бино қайта тамирланиб, ҳожатбарор масканга айлантирилди. Айни пайтда бу ерда тикувчилик ательеси, қандолат маҳсулотлари цехи, сартарошхона фаолият кўрсатмоқда.

— «Севинч шарқ либоси» хусусий фирмасини ишга туширганимизга унча кўп бўлмади, — дейди тадбиркор. — Хизмат сифатли бўлса, мижознинг ўзи қидириб келаверар экан. 1997 йилдан бери уй шароитида келинлар либосини тикиш билан шуғулланиб келардик. 2011 — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да O'zLiDeP «Аёлар қаноти» томонидан ўтказилган ўқув-семинарларда қатнашарканмиз, алоҳида корхона очиш иштиёқи туғилди. Бу борада банк, солиқ ходимларининг йўл-йўриқлари ва маслаҳатлари қўл келди. Мана, уч ойдирки, «Севинч шарқ либоси» фирмаси ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Либосларни тикишда шарқ ва ғарб фасонлари уйғунлигига алоҳида эътибор берилаяпти.

Интилганга толе ёр, дейди доно халқимиз. Яхши ният билан иш бошлаган Гулнора опанинг орзулари бир дунё. Асосийси, янги иш ўринлари яратиш, оилавий бизнесни йўлга қўйишга кўмаклашиш ва шу орқали жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир.

— O'zLiDeP дастурида аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, сиёсий билимларини ошириш, хотин-қизлар орасида ишсизликни бартараф этиш, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди O'zLiDeP Юқоричирчиқ туман кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Адолат Қамбарова. — Бу, шубҳасиз, биздан катта масъулият талаб этади. Ўтган йили бошлаган хайрли ишларимизни «Мустаҳкам оила йили»да ҳам давом эттириш ниятидамиз. Туманимизда Гулнора Ғаниева сингари тадбиркор ва ташкилотчи аёллар сони тобора ортиб бораётир. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги барча соҳада яққол намоён бўлиб турибди.

---

Брифинг

# ХМТнинг 13 ТА КОНВЕНЦИЯСИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН

**2012 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗДА 960 МИНГДАН ОРТИҚ ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИШ, ЖУМЛАДАН, ЎРТА МАХСУС БИЛИМ ЮРТЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ БЎЛГАН 500 МИНГ ТАЛАБАНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА**

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган брифингда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) конвенцияларини амалга ошириш бўйича юртимизда олиб борилаётган ишлар ва юқорида тилга олинган рақамларга муносабат билдирилди.

— Дунёнинг 180 дан ортиқ мамлакатини бирлаштирган ХМТ — БМТ тизимидаги ихтисослашган муассаса бўлиб, унинг энг муҳим ва ўзига хос вазифаси — меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқларни конвенция ёки тавсиялар кўринишидаги меъёрларга келтиришдан иборат, — дейди меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимуҳамедов. — 1992 йилда ХМТга аъзо бўлган Ўзбекистонда шу кунгача ташкилотнинг 13 та конвенцияси ратификация қилинди. Аҳамиятлиси, айнан ана шу конвенцияларда қайд этилган талабларни бажариш давомида мамлакатимизда иш ўринларини яратишни мақсад қилган корхоналарга янги инвестицияларни жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган ёшларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш каби бир қатор йўналишларда кенг қамровли ишлар амалга оширилди.



Тадбирда, шунингдек, 2012 йил 26 мартида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган «Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида» ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида»ги конвенцияларни 2012-2013 йилларда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги қарори қабул қилингани маълум қилинди.

«XXI ASR»
2012 йил 12 апрель,
пайшанба,
15 (439)-сон,
e-mail: xxi_asr@mail.ru
web sayt: www.21asr.uz

# Тиллога айланаётган томчилар

## АМЕРИКАЛИК ТАҲЛИЛЧИЛАР ТОМОНИДАН МАРТ ОЙИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ГЛОБАЛ СУВ ХАВФСИЗЛИГИ» МАЪРУЗАСИДА ЯҚИН 10 ЙИЛ ИЧИДА ЖАҲОНДА СУВ БЕҚАРОРЛИГИ ЮЗАГА КЕЛИШИ, ОБИ ҲАЁТ МАНБАЛАРИ ЭСА БОСИМ ҚУРОЛИГА АЙЛАНИШИ МУМКИНЛИГИ ТАЪКИДЛАНМОҚДА

**Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ**



АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтон ташқи сиёсат маҳкамаси буюртмаси асосида тайёрланган ушбу маълумотларни шарҳлар экан, дунё аҳолиси ўсишда давом этмоқда: демак, сувга бўлган эҳтиёж ҳам ортади. Юзага келган қийинчиликлар эса шубҳасиз, мамлакатлар ичкарисида ҳам, давлатлар ўртасида ҳам беқарорлик хавфини оширади, деган хулосани чиқарди.

АҚШ миллий разведкаси директори Жеймс Клэппер ҳам Конгрессдаги эшитувларда сўзлаган нутқида дунёнинг бир қатор давлатлари яна 10 йилдан кейин ичимлик сув етишмовчилигини бошдан кечира бошлашини, бу ҳолат халқаро можароларни келтириб чиқармаса-да, трансчегаравий дарёларда сувдан босим кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланиш эҳтимоллари ортишини таъкидлади. Буюк Британия мудофаа вазирлиги эса 2006 йилдаёқ ҳукуматни иқлим ўзгариши ва сув етишмовчилиги оқибатида сайёрамизда юз бериши мумкин бўлган катта-кичик урушларга тайёр туриш кераклигидан огоҳлантирган эди.

БМТ ундан ҳам илгарироқ сув етишмовчилиги билан боғлиқ муаммоларни кун тартибига қўйгани маълум. 2003 йилнинг декабрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 58-сессиясида 2005-2015 йиллар “Сув — ҳаёт учун” халқаро ҳаракатлар ўн йиллиги, деб эълон қилингани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Франциянинг Марсель шаҳрида шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган Сув ресурслари бўйича жаҳон форуми олдидан БМТ томонидан тақдим этилган маърузада ҳам тоза ичимлик сув таъминотидаги мураккаб вазият атрофлича муҳокама этилган эди.

Экспертларнинг фикрича, ичимлик сув етишмовчилиги муаммоси глобал иқлим ўзгариши ҳамда Ер шари ўсиб бораётган дунё аҳолисининг озиқ-овқат ва гигиена воситаларига бўлган катта эҳтиёжи туфайли чуқурлашиб бораётир. Албатта, бунда ичимлик сувининг қитъалар бўйича тенг тақсимланмаганлиги ҳисобга олинмаяпти. Олайлик, Осиё қитъасида сайёрамизнинг 60 фоиз аҳолиси истиқомат қилаётгани ҳолда минтақада мавжуд сув ресурсларининг атиги учдан бир қисми жойлашган, холос.

Маълумки, ХХ асрда аҳоли сони уч карра ошган бўлса-да, сув истеъмоли етти баробарга кўпайди. Бундан ташқари, жаҳоннинг 40 га яқин давлати қурғоқчил ҳудудларда жойлашган. Улар четдан келадиган 50-60 фоиз сувга қарамдир. Шу боис сезиларли сув захираларига эга бўлган давлатларнинг роли ва аҳамияти ошиб бораверади. Демак, улар сув танқислигидан азият чекаётган давлатларга нисбатан кучли иқтисодий ва сиёсий босим воситасига эгадирлар. БМТ маълумотларида қайд этилишича, дунёда сабаби сувга бориб тақаладиган 300 га яқин келишмовчиликлар мавжуд. Сўнгги ярим аср мобайнида дунёда сув ресурслари билан боғлиқ 500 дан ортиқ баҳсли ҳолат юзага келган бўлиб, уларнинг 20 таси ҳарбий ҳаракатлар билан якун топган.

Ҳозирча сув урушлар ўчоғи сифатида кўпроқ Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари тилга олинмоқда. Масалан, Туркия Дажла ва Фрот дарёлари узра 22 та тўғон ва 19 та электростанциялар қургани натижасида сув оқими икки баробарга камайгани оқибатида Ироқнинг сувга бўлган эҳтиёжи қопланмай қолаётир. Қизиғи шундаки, Ироқда нефть бор, сув йўқ. Шунга ўхшаш ҳолатни Бирлашган Араб Амирликларида ҳам кузатиш мумкин. Мазкур давлатларда сув нефтдан қиммат туради. Исроил, Фаластин, Сурия ва Иордания эса Иордан дарёсига эгалик қилиш йўлида муттасил баҳс-мунозаралар олиб бормоқда. Мазкур дарё оқими устидан асосий назоратни қўлга киритган Исроилнинг фаластинликлар сув истеъмолига чеклов ўрнатиши Яқин Шарқ тинчлик жараёни доирасидаги энг муҳим муаммолардан биридир. Ўз навбатида, Сурия ҳам Ярмук дарёсининг маълум қисмини ўз мамлакати ичкарисига киритиб олганки, оқибатда Иордан дарёси сатҳи бирмунча камайган. Натижада Исроил сувни Туркиядан сотиб олиб, танкерлар орқали Ашкелон портига келтиришга мажбур бўлмоқда. Демак, Яқин Шарқни ҳозирданоқ сув масаласидаги энг қалтис ҳудуд, деб аташ мумкин.

Бундай муаммолар Амударё ва Сирдарё ўзанида жойлашган Марказий Осиё давлатлари учун ҳам бегона эмас. Дарёларнинг юқори қисмида жойлашган давлатларнинг халқаро экспертиза ўтказмай туриб, йирик гидроиншоотлар қуриш режаси кенг жамоатчиликни хавотирга солаётганининг боиси ҳам ана шунда. Тожикистонда дунёда энг йирик ГЭС, яъни 3,6 минг МгВт кучга эга бўлган, тўғонининг баландлиги 350 метр ҳамда йилига тахминан 13 миллиард кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқара оладиган иншоотни қуриш ўрнига қуёш энергиясидан ва кичик қувватли гидроэнергетик қурилмаларидан фойдаланилса, муаммо юзага келмаслиги, минтақа экологиясига ҳам хавф туғилмаслиги халқаро матбуотда тез-тез тилга олинадиган мавзулардан бирига айланди. Уларда асосан Тожикистонда электр энергияси ишлаб чиқарадиган ГЭСлар қуриш мақсад қилиб қўйилган экан, ўзига ва ён қўшниларига зарар келтирадиган Роғун ГЭСидек улкан иншоотни қуришга сарфланадиган маблағни шунча электр энергия ишлаб чиқара оладиган кичик ГЭСлар бунёд этишга сарфлаб, аҳоли тинчлиги ва фаровонлигига кўпроқ эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлиши таъкидланаяпти. Бундай улкан иншоот табиий фалокат гирдобида қолса, аҳолисининг шундоқ ҳам 60-70 фоизи ночор кун кечираётган Тожикистон иқтисодиётига катта зарар етмайдими? Бизнингча, буни чуқур ўйлаб кўриш ва муаммонинг оқилона ечимини топиш фурсати аллақачон етиб келган.

Айтиш жоиз: сув инсониятга турли шакл ва йўллар билан келади — кимдир сувни ариқ, дарё ёки кўлдан олиб ичади, кимлардир чуқур қудуқдан заҳмат чекиб обиҳаётни тортиб чиқаради, яна кимдир муз эритиш орқали сувга бўлган эҳтиёжини қондирса, баъзилар ёмғир ёки қор ёғишини кутадилар. Бироқ қайта тикланадиган сув манбалари миқдорининг «тортилиб бораётгани» турли мамлакатларда турлича кечаётир. Айрим мамлакатлар сувга бой, аммо улар ҳам баъзи-баъзида қурғоқчилик билан юзма-юз келиб турадилар. Баъзи мамлакатлар ҳар бир томчи сувни тежашга интиладилар, бироқ у ерларда ҳам сув тошқинлари рўй бериб турибди. Иқлим ўзгариши боис қаерда нима бўлишини олдиндан башорат қилиш эса тобора мушкуллашиб бормоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва деҳқончилик масалалари бўйича ташкилоти — FAO фойдаланилаётган сув миқдори мавжуд қайта тикланадиган сув манбалари захирасидан кўпайиб кетаётган жаҳондаги икки ҳудудга эътибор қаратади. Биринчи ҳудуд чучук сув сарфи захирадаги сув миқдоридан 50 фоиздан зиёдни ташкил этаётган Арабистон яриморолидир. Бу зарур ичимлик сув четдан танкерларда ёки қувурлар воситасида ташиб келинаётгани денгиз суви шўрсизлантирилиб чучуклаштирилаётганини англатади. Босим остида бўлган яна бир ҳудуд Шимолий Африка ҳисобланади. Ливия ҳамда Мисрда бу борада ўзига хос муаммолар мавжуддир. Бутун минтақа миқёсида олинса, Шимолий Африка мамлакатлари мавжуд чучук сув манбаларининг ярмини истеъмол қилаётгани маълум бўлади. Бу ерларда асосий муаммо катта ҳудудларнинг қуруқлик эканида эмас, балки ҳудудда дунё аҳолисининг катта қисми яшашидадир. Мисол учун, Жанубий Осиё тоза ичимлик сув захираларининг 57 фоизидан фойдаланади. Бироқ бу минтақада аҳолининг учдан бир қисми истиқомат қилади, холос. Шундай экан, сув тақчиллигининг юз бериши, иқлим ўзгариши, суғориш ёки истеъмол учун меъёридан кўпроқ сувдан фойдаланиш миллиардлаб инсонларнинг ҳаётига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шарқий Осиёда эса чучук сув истеъмоли атиги 20 фоиз атрофида. Аммо бу ерда ҳам жаҳон аҳолисининг учдан бири истиқомат қилади. Океания сув истеъмоли борасида энг бехавотир минтақа бўлиб кўриниши мумкин. Лекин бу ерда ҳам ўзига хос муаммо мавжуд. Бунга яқинда Австралияда юз берган сув тошқинлари ёки аввалги йиллари кузатилган қурғоқчиликни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бутун жаҳон миқёсида олинса, Ер курраси ўзининг ички қайта тикланадиган сув ресурсларининг атиги тўққиз фоизидан фойдаланади, холос.

Маълумки, ер куррасининг 70 фоизи сувдан иборат бўлса-да, лекин унинг 97,5 фоизи истеъмолга яроқсиздир. Қолган 2,5 фоизининг учдан икки қисми муз ҳолатидаги захиралардир. Сўнгги маълумотларга кўра, сайёрамизда 320 мингга яқин айсберг мавжуд. Уларнинг ўртача ҳажмдагиси 20 млн. тонна тоза сув захирасига эга. Бугунги кунда олимлар уларни истеъмолчиларга етказиб бериш юзасидан қатор лойиҳалар ишлаб чиқмоқдалар. Бироқ кейинги 25 йил мобайнида Арктикадаги музликлар қалинлиги 120 сантиметрга камайганини ҳисобга олсак, мазкур лойиҳалар ижроси глобал исиш жараёнини нечоғлик тезлаштириб юборишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Дунёнинг барча минтақаларида, асосан Европа ва Осиёда тоза ичимлик сувига бўлган талаб кун сайин ортиб бораётганлиги боис захиралар тобора камайиб кетаётганлиги кузатилмоқда. Масалан, Европадаги 20 та мамлакатнинг 10 фоизи қўшни давлатлар сув ресурслари ҳисобига яшайди. Бу қитъадаги 730 млн. аҳоли истиқомат қилаётган ҳар учта давлатдан биттаси чучук сув танқислигидан қийналмоқда, деганидир.

Тоза ичимлик сув тақчиллиги кучайиб бораётган ана шундай шароитда сув ресурсларининг самарали бошқарув тизимини ишлаб чиқиш энг долзарб вазифа ҳисобланади. 2030 йилга бориб сайёрамиз аҳолисининг 47 фоизига тоза сув етишмаслиги муаммоси хавф солиши эҳтимолини назарда тутсак, масала янада ойдинлашади. Шу боис сувни исроф қилмаслик, мавжуд захираларни тежамкорлик билан бошқариш борасида қатор қарорлар қабул қилинаяпти. Кўпчилик мамлакатларда об-ҳаётни асраш ва ундан самарали фойдаланиш юзасидан қонун ҳам қабул қилинган. Бироқ улар ҳозиргача кутилган натижани бермаяпти. Ушбу муаммони бекаму кўст ҳал қилиш учун масалага қишлоқ хўжалигидан тортиб энергетика, савдо ва молия каби барча соҳалар раҳбарларини жалб қилиш лозим. Сабаби, уларнинг фаолияти сув ресурслари билан узвий боғлиқдир.

Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, сарфланаётган чучук сувнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги, 20 фоизи саноат ишлаб чиқариши, атиги 10 фоизигина маиший истеъмолга йўналтирилаяпти, холос. Жумладан, 2050 йилга бориб экинзорларга обиҳаёт захираларининг 90 фоизигача ажратилиши кутилмоқда. Айрим мамлакатлар ҳозирданоқ ўзларининг сув ресурсларини тугатиб бўлганлиги ачинарли ҳол, албатта.

Шунингдек, бугунги кунда электр энергиясига бўлган талабнинг ортиб бораётгани ҳам айнан сув билан боғлиқдир. 2030 йилга бориб бундай эҳтиёж 55 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Фақат Хитой ва Ҳиндистоннинг ўзидагина бу кўрсаткич тахминан 45 фоизга етиши мумкин.

Шу боис келгусида йирик ГЭСларга нисбатан кичик ҳажмдаги, хусусан, 10 МВт қувватли гидроэнергетика иншоотларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда биргина Хитойнинг ўзида ана шундай қурилмалардан 60 мингтаси фаолият кўрсатаётганлиги мазкур йўналишда илғор тажрибалар мавжудлигини кўрсатаяпти.

---

Воқеалар, далиллар, шарҳлар

### ФРАНЦИЯ 22 АПРЕЛНИ КУТАЯПТИ



Францияда давом этаётган сайловолди кампанияси доирасида 10 нафар президентликка номзодга телеканаллар орқали ўз дастурларини намойиш этиш учун 43 дақиқадан вақт ажратилди. Мамлакат етакчилигига даъвогарлар рўйхатидан амалдаги президент Николя Саркози, Социалистлар партияси Миллий Кенгаши депутати Франсуа Олланд, ўта ўнгчи «Миллий фронт» раиси Марин Ле Пен, Европа демократик партияси раиси Франсуа Байру жой олган. Шунингдек, сайловчилар овози учун «Сўл партия»дан Жан-Люк Меланшон, «яшиллардан» Эва Жоли, «Уйғон, республика» ўнг партиясидан Николя Дюпон-Эньан ва радикал сўл қарашлар тарафдорлари Натали Арто ҳамда Филипп Путу ҳам кураш олиб борадилар.

Сайловлар 22 апрель куни бўлиб ўтади.

### МАХФИЙ МАКТУБЛАР ОШКОР ЭТИЛДИ




Ўзини Anonymous ҳаракатининг аъзолари, деб атаган хакерлар Тунис бош вазири Хамади Жебейли ва унинг ҳукумати аъзолари ўртасидаги ўзаро электрон ёзишмаларни оммавий тарзда тарқатиб юбордилар. Тақдим этилган видеоролик ҳамда мактублар мамлакатдаги айрим нохолис воқеаларга бағишлангани таъкидланмоқда.

Шунингдек, хакерлар ўғирланган ахборотнинг асосий қисми сир сақланаётганини ҳам айтишмоқда. Маълумотларга кўра, хакерлар 2725 та хатни ошкор этишган. Ҳукумат вакиллари эса уларнинг аксарияти сохта, деган фикрни билдиришмоқда.

### ЯПОНИЯДА 10 МИНГ КИШИ ИШСИЗ ҚОЛАДИ




Япониянинг жаҳонга машҳур «SONY» корпорацияси 2012 йилда 10 минг нафар ходимини ишдан бўшатишга қарор қилди. Кузатувчилар бундай қарорни корпорация катта молиявий йўқотишлар туфайли қабул қилганини таъкидлашмоқда. Асосий сабаб эса компаниянинг кўплаб заводларини вақтинчалик тўхташига олиб келган Япония ва Таиланддаги табиий офатлар ҳамда уларни қайта ишга тушириш учун сарфланган харажатлардир. Таъкидлаш жоиз, «SONY» компанияси ўтган йили 220 млрд. иена, яъни 2,9 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган.

**Акбар МУЗАФФАРОВ** тайёрлади.



«Олимпиада — 2012»

# Лондон «чипта»лари кўпаймоқда

## ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИНИНГ ҚИТЪАВИЙ САРАЛАШ БАҲСЛАРИДА ҚАТНАШАЁТГАН БОКСЧИЛАРИМИЗ 6 ТА ЙЎЛЛАНМАГА ЭГА БЎЛДИЛАР

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI ASR»



Маълумки, навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларида қатнашадиган 286 нафар боксчи (250 нафар эркак ва 36 нафар аёл) жами 13 та (эркаклар 10, аёллар эса 3 та вазн тоифасида беллашади) медаллар комплекти учун кураш олиб боради. Хотин-қизлар ўртасидаги бокс мусобақалари лицензиялари жорий йил май ойида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ўйналадиган бўлса, эркак боксчилардан саралаш вазифасини ўтайдиган иккита мусобақанинг бирида ижобий натижага эришиш талаби қўйилганди.

Ана шундай мусобақаларнинг дастлабкиси — ўтган йили Бокуда ўтказилган жаҳон чемпионатида совринли ўринларни эгаллаган 4 нафар боксчимиз — Жасурбек Латипов (52 кг.), Орзубек Шоимов (56 кг.), Фазлиддин Ғоибназаров (60 кг.) ва Элшод Расулов (81 кг.) Лондонда юртимиз шарафини ҳимоя қилиш имкониятини қўлга киритгандилар.

Айни пайтда Қозоғистон пойтахтида давом этаётган иккинчи квалификацион беллашувда эса регламентга мувофиқ жами 25 та йўлланма ўйналмоқда. Эътиборлиси, мазкур турнирда иштирок этаётган ўзбекистонлик боксчиларнинг яна икки нафари Олимпия «чиптаси»га эга бўлди. Жумладан, XVI Осиё ўйинлари совриндори, 64 кг. гача бўлган вазн тоифасида рингга чиққан Ўктамжон Раҳмонов нимчорак финалда хитойлик Кин Хуни 17:11 ҳисобида енгган бўлса, кейинчалик Япония вакили Масатсуга Кавачини нокаутга учратиб, яримфиналга йўл олиш баробарида йўлланмани ҳам қўлга киритди. Икки карра жаҳон чемпиони — Аббос Атоев (75 кг.) эса ўз мақсадига эришиш учун аввал Жанубий Корея боксчиси Сун Жай Ву устидан 21:6 ҳисобида ғалаба қозониб, сўнг малайзиялик Харон Муҳаммадни муддатидан аввал таслим этди.

Остонадаги турнирда, шунингдек, икки нафар боксчимиз — энг енгил вазн тоифасида иштирок этаётган Шаҳобиддин Зоиров ҳамда энг оғир (+91 кг.) вазнда қатнашаётган Иззатулла Эргашев ҳам Олимпия йўлланмаларига даъвогарлик қилаётганларини айтиб ўтиш лозим. Фарқли томони, ана шу вазн тоифаларида фақат мутлақ ғолиб, деб топилган боксчиларгина Лондонга бориш имконини қўлга киритади. Дарвоқе, Иззатулла чоракфиналда эронлик Абдумажид Сепахвандийни 15:13 ҳисобида енгиб, ярим финалга йўл олган бўлса, Шаҳобиддин қуръа натижаларига кўра, турнирни яримфиналдан бошлаши маълум бўлди.

Эътироф

## РАВШАН ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИНИ ҲАМ БОШҚАРАДИ




**ФИФА рефериси Равшан Эрматов Лондонда ўтказиладиган ёзги Олимпиада футбол учрашувларини бошқаради. Куни кеча ФИФАнинг ҳакамлар қўмитаси Олимпия ўйинларида хизмат қиладиган ҳакамлар рўйхатини тасдиқлади. Аҳамиятлиси, ушбу рўйхатга Равшан Эрматов билан бирга яна бир ҳамюртимиз, қанот ҳаками — Абдуҳамидулло Расулов ҳам киритилган.**

**Маълум бўлишича, «Лондон-2012» ташкилотчилари ўйинларни бошқариш учун дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатидан 48 нафар рефери, жумладан, 16 нафар бош ҳакам ва 32 нафар «лайнсмен»ни таклиф этган.**

Янгилик

## ЛИЦЕНЗИЯНГИЗ ЙЎҚМИ, ДЕМАК ҚОНУННИ БУЗАЯПСИЗ

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан автотранспорт хизмати устидан жамоат назоратини ўрнатиш имконини берувчи янги интерактив хизмат йўлга қўйилди.

— «SMS орқали маълумот базасидан қидирув», аввало, автотранспорт хизмати сифатини яхшилаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш имконини бериши билан аҳамиятлидир, — деди агентлик раҳбари ўринбосари Шоолим Шоваҳобов. — Мазкур хизмат кенг оммага мўлжалланган бўлиб, ундан масъул идора вакиллари ҳам, оддий фуқаролар ҳам бирдек фойдаланишлари мумкин.

Эътиборли томони шундаки, янги қидирув хизматидан фойдаланиш жуда осон. Бунинг учун автотранспорт воситасининг давлат рақами ва серияси «SMS» хабар кўринишида 5500 телефонига юборилса бас. Агар автотранспорт эгаси тегишли тартибда рўйхатдан ўтган бўлса, бир неча сониядан сўнг агентлик маълумотлар базасидан ана шу автотранспорт воситасининг қайси фаолият тури билан шуғулланиши ҳамда лицензиянинг амал қилиш муддати ҳақидаги маълумот олинади. 5500 рақамидан рад жавоби келса, билингки, автотранспорт эгаси қонунга зид равишда фаолият юритмоқда.




*Майор Аҳрор Шокировнинг Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётганига ўн тўрт йил тўлди. Албатта, бу вақт тарихан жуда қисқа муддат. Аммо унинг учун ўтган йилларнинг аҳамияти жуда улкан, қадри юксак. Сабаби, бу йиллар мобайнида эл-юрт тинчлигига умри бахшида, қалби шарафли касб эгаси эканлигидан ғурурга тўла Ватан ҳимоячилари — ўзбекнинг забардаст ўғлонлари билан елкама-елка хизмат қилди. Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишларнинг гувоҳи бўлди. Қўл остидаги ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳорати ошишида, ҳар томонлама чиниқишида оз бўлса-да, ҳисса қўшди.*

*Аҳрор Шокировнинг умр йўлдоши Оҳистахон ҳам ҳарбий касб эгаси. Фарғона саноат касб-ҳунар коллежини тамомлаган Оҳиста Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳарбий-техника мактабида алоқачилик сирларини ўрганди. Гарчи шарафли соҳада фаолият бошлаганига унча кўп вақт бўлмаган эса-да, аллақачон бир қатор ютуқларга эришиб улгурди. Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг шонли 20 йиллиги муносабати билан Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм ва тузилмалар миқёсида ўтказилган «Энг гўзал ҳарбий аёл» кўрик-танловининг округ ва республика босқичида муваффақиятли қатнашди. Бугун уларнинг оиласида икки фарзанд voяга етмоқда. Тўнғичлари Асрорбек ҳозирда биринчи синфда таҳсил олаётир. Асилбек эса мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси. Бу болакайлар ҳам келгусида ота-оналари каби ҳарбий касб эгаси бўлишга аҳд қилишган. Ҳаётий тушунча ва тафаккури эндигина шаклланаётган, ота-оналари тимсолида ўз келажакларини ҳозирдан тасаввур қилаётган бу болажонларнинг орзулари ушалишига, улғайиб, мустақил мамлакатимизнинг ишонган ҳимоячилари бўлиб етишларига биз ҳам ишонамиз.*

Жамшид НИЁЗОВ тайёрлади.

Сана

## 100 ЙИЛЛИККА МУНОСИБ ТАЙЁРГАРЛИК

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўзбек футболининг 100 йиллигини нишонлашга муносиб ҳисса қўшмоқчи. Маълумки, бундан юз йил муқаддам Қўқон шаҳрида мамлакатимиз ҳудудидаги илк футбол жамоаси ташкил этилганди. Ана шу санани муносиб қаршилаш, шунингдек, талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, улар орасидан иқтидорли футболчиларни аниқлаш мақсадида КЁИҲ олий таълим муассасалари талабалари иштирокида футбол бўйича «Камолот» кубогини ўтказишга қарор қилди.

3 босқичли мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри олий таълим муассасалари ҳаваскор футбол жамоалари қатнашади. Апрель ойининг иккинчи ярмида бошланадиган турнирнинг финал босқичи июнь ойида Тошкентдаги «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтади.




**Тушунмадим, бир оёғингга калиш, бир оёғингга туфли кийиб олгансан?**

**— Ахир об-ҳавони эшитмадингми, айрим жойларда ёмғир ёғармиш, айрим жойларда эса қуёш чиқармиш.**

Газетхонларимизни ҳам шу каби саволлар қийнамаслиги учун об-ҳаво башоратини ҳавола қиламиз: Гидрометеорология маркази хабарига кўра, **12-19** апрель кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси **10-15**, кундузи **28-33** даража илиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида шамол шарқдан **7-12** м/с. тезликда эсиб, ҳарорат кечаси **10-15**, кундузи **28-33** даража илиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси **10-15**, кундузи **13** апрелда **23-28**, **14-16** апрель кунлари эса **28-33** даража илиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси **10-15**, кундузи **28-33** даража илиқ бўлишини кўрсатади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ҳарорат кечаси **10-15**, кундузи **23-28** даража илиқ бўлади. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, шамол шарқдан **5-10** м/с. тезликда эсади. Ҳарорат кечаси **10-15**, кундузи **13** апрелда **23-28**, **14-16** апрель кунлари эса **28-33** даража илиқ бўлади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси **3-8**, кундузи **12-17** даража илиқ бўлади.

Реклама







XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
O'zLiDeP
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асхор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРХОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУАЛИМОВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 4329 Тираж: 18 536
Баҳоси келишилган нархда
Топширилди — 20:00
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
О.РАЖАБОВ, М.РЎЗИЕВ.